

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ
2009 йил, 27 февраль, жума № 9 (2292) | Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
Пятница, 27 февраля, 2009 год № 9 (2292) | Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу — цена договорная

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА УЛАРНИНГ ОИЛАЛАРИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ, АРМИЯДА МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА БЕЛГИЛАНГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИНГ ТЎЛИҚ АМАЛГА ОШИРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН:

ҚАДИМИЙ ҚАРДОШЛИККА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов 24 февраль куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ўзбекистон ва Туркменистон халқларини умумий тарих, муштарак маданият ва қадриятлар бир-бирига боғлаб туради. Ўзбек ва туркман азалдан бир-бирининг маданиятини бойитиб, савдо-сотиқ қилиб, тўй-томошаларида меҳмон бўлиб қатнашиб келади. Аجدодларимизнинг илмий ва адабий мероси ҳам халқларимизнинг умумий мулки саналади.

Мамлакатларимиз мустақилликка эришганидан кейин анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари янги замон руҳида ривожлана бошлади. Ўзаро муносабатларни ривожлантиришдан Ўзбекистон ҳам, Туркменистон ҳам бирдек манфаатдор. Мунгазам равишда олий даражадаги учрашувлар ўтказиб келинаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2007 йилнинг октябрь ойида давлат ташрифи билан Туркменистонга борди. 2008 йилнинг март ойида эса Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келди.

25 февраль куни Дўрмон қароргоҳида Туркменистон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов шохсупага кўтарилиди. Ўзбекистон ва Туркменистоннинг давлат маҳфиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтди.

Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов яккама-якка суҳбатда Ўзбекистон-Туркменистон муносабатларига доир кенг кўламли масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашди. Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини таъкидладилар.

Дарҳақиқат, бугунги кунда икки томонлама алоқалар Президент Ислом Каримовнинг 2007 йида Туркменистонга давлат ташрифи асносида имзоланган Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартномага мос равишда тараққий этмоқда. Бу муносабатлар кўламини янада кенгайтириш, янги мазмун билан бойитиш учун барча имкониятлар етарли.

Президентлар Ўзбекистон ва Туркменистоннинг сиёсий, савдо-иқтисодий, гуманитар ҳамкорлигига, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга доир масалаларни муҳокама қилар экан, кўрилган барча масалалар юзасидан томонларнинг қарашлари ўхшаш ёки яқинлиги аён бўлди. Бу икки томонлама ишончли мустаҳкамлайди, ишонч эса ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим омилдир.

Сиёсий соҳада мамлакатларимизни ўзаро яқинлаштирадиган жиҳатлар талай. Бу Ўзбекистон ва Туркменистоннинг тинчликпарвар ташқи сиёсати, халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлашидир.

Иқтисодий ҳамкорликнинг кўлами кенг. Ўзбекистонда ҳам, Туркменистонда ҳам нефть-газ саноати жадал ривожланиб, хорижий сармоядорлар билан ёқилги-энергетика мажмуи соҳасидаги ҳамкорлик кўлами кенгаймоқда. Мамлакатларимиз бу соҳада икки томонлама ҳамкорлик баробарида кўп томонлама лойиҳаларда ҳам фаол иштирок этмоқда.

Иқтисодий ҳамкорликнинг яна бир муҳим бўғини транспорт коммуникацияларидир. Ўзбекистон худуди орқали Туркменистонга, Туркменистон худуди орқали Ўзбекистонга юк ташилди. Мамлакатларимиз учинчи давлатлар учун транзит вазифасини ҳам ўтайди. Бу омиллар Ўзбекистон ва Туркменистонда транзит соҳасида йирик салоҳият мавжуд эканидан далолатдир.


Президентлар минтақавий хавфсизлик масаласига тўхталиб, Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашди. Ислом Каримов Афғонистонда фақат ҳарбий куч ишлатиш билан вазиятни барқарорлаштириб бўлмаслигини, кенг кўламли халқаро ёрдам асосида иқтисодий ва ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш, давлатчиликни мустаҳкамлаш, аҳолини иш билан таъминлаш, одамларда бунёдкорлик ҳиссини уйғотиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов Марказий Осиёда сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш, минтақада интеграция жараёнларини ривожлантириш, жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий таъсирларини юмшатиш масалалари юзасидан ҳам атрофлича фикр алмашди.

Президентлар музокарани Ўзбекистон ва Туркменистон расмий делегациялари аъзолари иштирокида давом эттирдилар. Музокарада асосий эътибор савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик масалаларига қаратилди.

Ўзбекистон ва Туркменистон табиий газ қазиб олиш ва узатиш борасида дунёдаги етакчи мамлакатлар сирасига киради. Энергия манбаларига талаб йил сайин ошиб бораётган ва жаҳон иқтисодий инқирози ҳукм сураётган ҳозирги шароитда мамлакатларимизнинг бу соҳада яқиндан ҳамкорлик қилиши гоят муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон, Россия, Қозғоғистон ва Туркменистон ўртасида Каспийбўйи қувурини барпо этиш юзасидан келишувга эришилган. Ўзбекистон ўз худуди орқали ўтадиган Туркменистон-Хитой газ қувурини барпо этиш лойиҳасини қўллаб-қувватлайди. Икки лойиҳа ҳам Ўзбекистон ва Туркменистоннинг экспорт йўналишларини кенгайтиришга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).



Сергак нигоҳларда ишонч, қатъият!

ШУ СОНДА

- | | | | |
|------------------------------------------------------|-------|-----------------------------------|----|
| • Ҳарбийлар учун шинам, мухташам уй-жойлар қурилади | 6 | • ДНКдан наноробот яшаш мумкинми? | 16 |
| • Қутқарувчилар икки кишининг ҳаётини сақлаб қолишди | 9 | • Отабек курсанг бўлмоқчи | 18 |
| • Олти оёқли Генри | 11 | • Аямажуз нима? | 19 |
| • TV дастур | 12-13 | • Ўзбекининг беназир шоираси | 21 |
| • Сканворд. Гороскоп. Табассум | 15 | • Халқ ва тарих кўзгуси | 24 |

2 В ШКОЛАХ ПОДГОТОВКИ СЕРЖАНТОВ
С НОВЫМ ВАЖАЖОМ ЗНАНИЙ

4 ЧАҚИРУВ—2009
ЮРТНИ ҚЎРИҚЛАР, ЭЛНИНГ МАРДЛАРИ

8 ОИЛА ГУЛШАНИ
МАЪНАВИЯТ БЕШИГИ

23 СПОРТ
ЗИМНЯЯ ОЛИМПИАДА СРЕДИ КУРСАНТОВ

За строкой Обращения Президента

ВАЖНЕЙШИЙ ФАКТОР ПОВЫШЕНИЯ БОЕСПОСОБНОСТИ ВООРУЖЕННЫХ СИЛ

Раскрывая основные направления стратегии реформирования нашей армии и задачи, стоящие перед Вооруженными Силами на ближайший период, Президент страны, Верховный Главнокомандующий Вооруженными Силами И. А. Каримов в Обращении, посвященном 17-летию образования Вооруженных Сил Узбекистана, подчеркивает: «Неослабное внимание должно быть уделено работе по дальнейшему совершенствованию организационно-штатной структуры соединений и частей, сокращению и оптимизации дублирующих, малоэффективных структур и офицерских должностей в подразделениях тылового и технического обеспечения, укомплектованию должностей командиров групп в соединениях и частях сержантским составом».

Ставя перед военными кадрами такую задачу, глава государства исходит из того, что уровень развития военного искусства является одним из определяющих факторов строительства Вооруженных Сил. Военное искусство развивается, подчиняясь общим законам развития военного дела. Одним из таких законов, определяющим поступательное движение военного искусства является взаимосвязь между военной техникой, формами организации Вооруженных Сил и способами ведения боевых действий.

Другими словами, организационно-штатная структура должна в полной мере соответствовать возможностям военной техники и способам ведения боевых действий. В этом отношении за годы реформирования Вооруженных Сил в нашей стране не только были созданы военные округа, пограничные регионы, пересмотрены состав и дислокация соединений и частей, но, главное — внедрена беспрецедентная, принципиально новая организационно-штатная структура Вооруженных Сил. Это позволило кардинально перестроить вертикаль построения национальной армии и ее составных частей, повысить их мобильность, оперативность и огневые возможности и, что особенно важно, — обеспечить самостоятельность и ответственность командиров всех уровней.

Главная обязанность командиров всех степеней состоит в том, чтобы так орга-

низовать боевую учебу, ее методы, интенсивность и напряженность, чтобы каждый час учебного времени, каждый день был важной ступенькой в росте профессионального мастерства всех военнослужащих, в умелом владении ими оружием и боевой техникой.

Именно в поле, в сложных тактических условиях, максимально приближенных к боевым, проверяется и отшлифовывается выучка всех специалистов, закрепляются у военнослужащих знания и навыки умелого применения техники и оружия, ухода за ними, хранения и сбережения. И там же, в полевых условиях, проверяется жизнеспособность той или иной организационно-штатной структуры. Основанием для этого должно быть только одно — ее необходимость в боевых условиях.

Поэтому командиры всех уровней, штабы, органы воспитательной работы должны подходить к этому вопросу творчески, новаторски, быть в определенной мере исследователями, искать и вводить в практику проведения тактических занятий, учений новые наиболее эффективные способы их организации. Усложнять обстановку, добиваться, чтобы каждое такое мероприятие проводилось на высоком политическом, методическом и оперативном-техническом уровне, было действенным средством не только совершенствования профессионального мастерства военнослужащих всех категорий, но и важнейшим средством их мобилизации на беззастенчивую службу, самоотверженный воинский труд во имя своей независимой Родины.

Принципиальное значение имеет установка Верховного Главнокомандующего об укомплектовании должностей командиров групп в соединениях и частях сержантским составом. Этому способствовал целый комплекс мероприятий организационного, профессионального, социального и духовно-нравственного порядка. Прежде всего создание принципиально новых школ по подготовке сержантов, в которых процесс военной подготовки базируется на основе передовых технических средств и технологий, новых современных методов обучения и воспитания. Усиление соци-

альной обеспеченности и социальной защищенности сержантов, предоставления им необходимых льгот, повышения уровня профессионального образования и качества духовно-нравственного воспитания.

Сегодня мы имеем качественно новых сержантов, которые, по образному выражению главы государства, являются «становым хребтом» нашей армии.

В чем это конкретно выражается?

Во-первых, в том, что сержант Вооруженных Сил Республики Узбекистан подготовлен как воин-профессионал. Он прошел обучение, подготовку и переподготовку в школах сержантов, оснащенных современной учебной базой, самыми передовыми технологиями, современным вооружением и боевой техникой, где процесс обучения ведется высокоподготовленными профессионалами-офицерами, имеющими богатый опыт работы в войсках и глубокие теоретические знания.

Во-вторых, в том, что нынешний сержант хорошо сознает, что высокая боевая готовность подразделения всецело зависит от профессиональной подготовленности каждого солдата. И отдает себе отчет в том, что любое занятие, проводимое им, должно быть интересным для солдата, познавательным, активно способствующим профессиональному становлению молодого воина. А это достигается прежде всего тщательной и качественной подготовкой сержанта к каждому занятию.

Не меньшее значение имеет и правильный выбор методики проведения занятия. Как показывает опыт передовых командиров, большую популярность завоевывает метод состязательности. Он наполняет учебное занятие живым содержанием соревнования и в то же время способствует выработке наиболее экономичных, прогрессивных приемов работы на технике, освоению и перекрытию боевых нормативов.

В-третьих, в том, что нынешний сержант умеет организовать боевую учебу. Он глубоко придумывает подготовку к каждому занятию, учитывая его особенности, цели и задачи. А наличие современной учебной материальной базы в части, подразделении помогает ему орга-

низовать боевую учебу с подчиненными на высоком профессиональном и методическом уровне.

В-четвертых, нынешний сержант в значительной мере обладает определенными психолого-педагогическими основами воспитания, умеет сплотить воинский коллектив, вдохновить его на решение сложных задач, стоящих перед Вооруженными Силами. Он отлично знает солдатскую службу, характерные особенности поведения своих сослуживцев, умеет вовремя оказывать влияние на ситуацию в воинском коллективе. Не случайно сегодняшних сержантов называют важным фактором здоровой духовно-нравственной и морально-психологической обстановки в воинских коллективах.

Выдвижение сержантов на замещение должностей командиров групп в частях и подразделениях — процесс закономерный, научно обоснованный. Он наглядно подтверждает тот очевидный факт, что сержантами в нашей армии являются истинные профессионалы, люди беспредельно преданные интересам независимости и нашей великой Родине.

Решая эту ответственную государственную задачу, мы должны опираться не только на совокупность надежных знаний и высокие нравственные черты будущего руководителя группы, но и найти в нашем кандидате, уловить, заметить некую особую командирскую жилку.

Задача эта трудная, но вполне решаемая. Потому что сегодня, как никогда, возрос авторитет сержантов, их роль и значение в деле обеспечения высокого уровня боевой и политической подготовки, укрепления дисциплины, законности и уставного порядка в частях и подразделениях. Сегодня они — главный стержень нашей национальной армии. Окрыленные высоким доверием Родины, вниманием и заботой главы государства, они и дальше будут надежной опорой Вооруженных Сил в повышении их боевой готовности, в надежной защите нашей независимости, территориальной целостности страны и мирной жизни нашего народа.

Алфим ХЛЫЗОВ.

АРМИЯ — МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган изчил ислохотлар, ҳарбий хизматчилар учун белгиланган имконияту кўрсатилаётган гамхўрликлар бугун ҳар бир эр йигит қалбида бу шарафли касбга қизиқиш ва ҳавас уйғотмоқда. У хоҳ офицер бўлсин, хоҳ сержант ёки муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган оддий аскар бўлсин, барчасининг мақсади битта, яъни она Ватанини, мустақилликни ишончли ҳимоя қилишдир. Армия — ҳаёт мактаби. Хўш, ушбу мактабнинг бугун ёшларимиз ҳаётида тутган ўрни қандай? Келинг, бу ҳақда уларнинг ўзларидан эшитайлик.

Лейтенант Антон СОИ, Мудофаа вазирлигининг эсадалик ишончи билан тақдирланган:

— Қуролли Кучларимиз ташкил топганига 17 йил тўлди. Шу ўринда мен ҳам, мустақил дийрининг бир фарзанди, миллий армиямизнинг ёш офицери сифатида истиқлол берган истиқболли кунлар ҳақида гапирсам. Ёшлигимнинг энг қайноқ давлари мустақиллик билан боғлиқ. Ёшларга берилган имкониятлардан мен ҳам тўлиқ фойдалана олдим. Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Мудофаа вазирлиги Махсус факультетининг курсанти бўлдим. Беш йил мобайнида малакали ва тажрибали офицерлардан соҳа сир-асрорларини мукаммал эгаллаб, офицер бўлиб шаклландим. Хурлик байроғи ҳилшираётган она Ватанимнинг миллий армиясида хизмат қилаётганимдан фахрланаман. Яқинда бўлиб ўтган бир ойлик ёш офицерлар йиғинида иштирок этиб, билим юртида олган билимларимни амалий машғулотлар асосида янада мустаҳкамладим. Мен истиқлол посбониман, мен хурликни, мустақилликни, она Ватанимни, Ўз тугилиб ўсган гўшамни ҳимоя қилайман. Конституциявий бурчимни муносиб ўтаб, ҳамisha Ҳарбий қасамдимига содиқ қоламан.



Курсант Бехзод ТўРАЕВ, «Шухрат» медали билан тақдирланган. «Энг илгор мерган» танловининг ғолиби:

— Юрт посбони бўлиш, тинчликка, озолиштиликка қалқон бўлишдек олижаноб иш бўлмаса керак. Мустақиллик берган имкониятлардан унумли фойдаланиб, замонавий мактабда таҳсил олдим. Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фашидан илк ҳарбий билимларни эгаллашга интилдим. Шаҳримизда қад ростлаган замонавий спорт мажмуасида шугулланиб, чиниқдим. Ўз ҳаёт йўлимни танлаш фурсати етганда ҳеч иккиланмасдан Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртига ҳужжат топширдим. Тайёргарликларим зоё кетмади, орзум рўёбга чиқиб, курсант деган шарафли номга сазовор бўлдим. Бу ерда биз курсантлар учун яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар, кўрсатилаётган эътибор шарафли касбни пухта эгаллашга руҳлантирди. Ҳозирда билим юртининг 3-курс курсантиман. Шу давр мобайнида устоз офицерлардан соҳам бўйича билимларни пухта ўзлаштирдим.

Ахрор АЗИЗОВ суҳбатлашди.



ЧАҚИРУВ—2009

Фармон ва ижро

ШАКЛЛАНИШ МАКТАБИ

Ҳарбий хизмат эр йигитни нафақат жисмонан, балки маънан баркамол этиб тарбиялашда, унда ўзига ишончни, қатъият ва собитликни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, миллий армиямиз сафларида йигитлик бурчини адо этаётган ўғлонларимиз келажақ ҳаёт йўлларида муҳим пойдевор қўйишмоқда, десак асло хато бўлмайди.

Юртбошимизнинг «Миллий армиямиз мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» рисоласида шундай дейилади: «Армия сафларида ўғлонларимиз нафақат жисмонан бақувват, энг замонавий ҳарбий техника ва технологияларнинг сир-асрорларини пухта эгаллаган бўлиши, айнаи вақтда юксак ақл-заковати, интеллектуал салоҳияти, мустаҳкам иродаси, ўз халқига садоқати каби олижаноб хусусият ва фазилатлари билан ҳам ажралиб туриши лозим».

Шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда муддатли ҳарбий хизматга бориш, Ватан олдидаги йигитлик бурчини адо этишдек шарафли ишга ёшларимиз астойдил интилиб келмоқдалар. Чақирув мавсуми қизғин давом этаётган айнаи кунларда йигитлик пунктида ёшлар билан суҳбатлашар эканмиз, уларнинг ҳарбий хизматга бораётганларидан, Ватани, халқи, яқинларини ҳимоя қилишдан чексиз фахрланаётганларига бевосита гувоҳ бўлдик.

Президентимизнинг «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида биноан 2009 йилдан бошлаб фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йилгига бир марта – февраль-март ойларида чақириш ва белгиланган муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни захирага март-апрель ойларида бўшатиш тартиби жорий қилинганини яхши биламиз.

Мазкур Фармон асосида муддатли ҳарбий хизматга йилгига бир марта чақиришнинг мазмун-моҳияти бўйича чақирилувчи ёшларимиз ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилди. Бу борада Жиззах ҳарбий прокуратураси томонидан вилоят мудофаа ишлари бошқармаси, ҳарбий қисм ва муассасалар кўмондонликлари билан ҳамкорликда ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий тайёргарлик машғулотларининг олиб борилганлиги диққатга сазовор.

Адлия подполковниги Ражабали Жўраев,
Жиззах гарнизони ҳарбий прокурори.

ЮРТНИ ҚЎРИҚЛАР, ЭЛНИНГ МАРДЛАРИ



Фаррух Заятдинов билан Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармасининг йигитлик пунктида танишдим. Муддатли ҳарбий хизматга отланаётган йигитлар сафида бошқаларга нисбатан ажралиб турган бу ўғлон эътиборимни тортди.

– Ёшлигимдан ҳарбийликка қизиққанман, – дейди у. – Аникроғи, амаким офицер Музаффар Заятдиновнинг шарафли соҳада фаолият юритиши қалбимда соҳага ҳавас уйғотган. Шу боис ҳарбий лицейда сабоқ олиб, илк ҳарбий кўникмаларни эгаллашга ҳаракат қилдим. Ўтган йили Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юртига ҳужжат топширдим. Аммо омад кулиб боқмади. Энди эса тенгдошларим қатори муддатли ҳарбий хизматга отланаяман. У ерда билимларимни янада мустаҳкамлаб, албатта орзуимга эришишга интиламан.

Дарҳақиқат, бугун ҳарбийлик касбига қизиққан ёшларимиз талайгина. Йигитлик пунктида сафланиб турган йигитлар билан суҳбатлашар эканман, уларнинг қалбига Ватанга бўлган муҳаббат юксак эканини англайман. Улар аскар бўлишни, юрт қўришни шараф деб билишади.

– Ҳозир сафдошимнинг гапларини эшитиб, у билан ташлаган йўлимиз, бир хил эканлигига амин бўлдим, – дейди чақирилувчи Жавоҳир Исмаилов. – Менинг ҳам амаким офицер Эркин Пардаевга ҳавас қилиб, ҳарбийлик касбига меҳрим тушган. Касб-ҳунар коллежидан сабоқ олиб юрган кезларимда чақирувга қадам бошлангич тайёргарлик фанидан илк ҳарбий билимларни эгалладим. Икки йил Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртига ҳужжат топширдим. Лекин тайёргарлигим етарли бўлмади, тест синовларидан керакли баллини йиға олмадим. Бироқ буидан тушқуликка тушиб, ташлаган йўлимдан қайтганим йўқ. Касб эгаллашга ҳаракат қилдим. Ҳозирда автомобилларни таъмирлаш бўйича анча тажриба ва малакага эгаман. Айтишларича, бу касбим армияда менга жуда асқотаркан. Муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаб, билимларимни бойитиб, албатта курсантлик либосини кийишга муяссар бўламан.

Ҳа, юрагидан ўти бор, олдига қўйган мақсадни сари одимлаётган ҳар бир инсон борки, албатта ишгагина етади. Ахир интиланганга толе ёр, деб беэизга айтилмаган.

Яна бир чақирилувчи Фарҳод Тешаев сафдошларининг гапларидан таъсирланиб, ўз изҳорларини баён этди.

– Икки акам армия сафларида хизмат қилиб, Ватан олдидаги бурчларини адо этишди, – дейди у. – Уларга ҳавас қилиб, мен ҳам муддатли ҳарбий хизматга жўнапман. Айниқса, акам Сайдал десантчилар қисмида хизмат қилиб, жисмонан чиниқиб, анча тобланиб қайтди. Мен ҳам у каби десантчи бўлишга қизиқардим. Мактабни тугатиб, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташилотининг ҳайдовчилик курсида ўқиб, соҳам бўйича зарур билимларга эга бўлдим. Мақсадим, акаларим сингари юртим қорига камарбаста бўлиш ҳамда шартнома асосида Қуролли Кучларимиз сафида хизматимни давом эттиришдир.

– Йигитларнинг гапларини эшитиб, бугун ёшларимизнинг аксарияти шу соҳа билан ҳаёт йўллари билан боғлашаётганига амин бўлдим, – дея суҳбатимизга чақирилувчи Олим Юсуповнинг онаси Моҳира опа қўшилди. – Бунинг сабаби албатта ҳукуратимиз томонидан ёш авлодга, айниқса, ҳарбий хизматчиларга кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликдир. Ўғлим Олимжон кўрик-танловдан ўтиб, муддатли ҳарбий хизматга жўнапти. Биринчи фарзандим бўлгани боис анча ҳаяжонданман. Муддатли ҳарбий хизматга кузатишга бағишланган буидайини тантаналар биз ота-оналарга манзур бўлмоқда. Фарзандларимизнинг келажақда ўз ҳаёт йўллари тотиб олишларида армия катта мактаб вазифасини ўтаётгани бизни янада руҳлантирмоқда.

Кузатувга бағишланган митингга сўзга чиққан офицерлар, давлат ва жамоат ташилотлари вакиллари, ота-оналар чақирилувчиларга эзгу тилак, истаклар билдиришди.

Ахрор РАЖАБОВ,
Баҳром АБДУРАХИМОВ суратга олган.

Призыв-2009

БЕРЕЧЬ РОДИНУ – РОДИТЕЛЬСКИЙ НАКАЗ

На сборном пункте УДО Ташкентской области многолюдно. Отсюда отправляются в ряды Вооруженных Сил молодые люди призыва нынешнего года. Главный наказ родителей призывников – беречь Родину, как зеницу ока, достойно служить Отчизне.

Со словами напутствий и благословений обратились к призывникам столичной области председатель областного Совета Фонда ветеранов «Нуроний» Нуъмон-ата Насимов, председатель Комитета солдатских матерей Лилия Симонян, мать призывника из Бекабадского района Хайринисо-апа Суярова, отец призывника из Зангиатинского района Бекзод-ака Рахимбаев.

Шухратжон-ака и Савринисо-апа Ахмедовы приехали из Ахангарана проводить в армию старшего сына Мансуржона. Парень отучился в автошколе ОСО «Ватанпарвар», так что в воинском коллективе его оценят по достоинству. В качестве классного специалиста он продемонстрирует полученные знания.

А вот у Туробжона-ака Сариева из Чиназского района на службу идет уже третий сын. Отец передал по наследству профессию водителя сыну Дильшоду. Проводить брата в ряды Вооруженных Сил приехала и его сестра Шоира.

– Для меня в новинку участие в подобном мероприятии, – говорит сестра солдата. – И потому с большим интересом наблюдала за тем, как строятся призывники, какие команды им подают офицеры и сержанты. Увидев впервые брата в военной форме, прониклась еще большей гордостью за нашу национальную армию.

Младший сержант Баходир Раджабов прибыл за новым пополнением из отдаленного гарнизона. Опытный военный профессионал заботливо помогает юношам по фигуре подтянуть ремень, правильно расположить кокарду на головном уборе, поправить обмундирование.

Глядя на сияющие улыбки рослых, красивых юношей, оживленно обсуждающих то, как молодежато сидит на них военная форма, невольно ощущаешь и чуть заметное волнение. Но сами ребята под внимательными и взыскательными взглядами родных и близких становятся строже и серьезнее.

– Отобрали самых лучших кандидатов, – улыбается майор Сайфулло Умбетов, перехватив восторженный взгляд со стороны родителей. – Сейчас служить в армии независимой Родины доверят самым достойным.

Лейтенант Отабек Абдухаликов немного волнуется. Командование части оказало доверие молодому офицеру произвести отбор новобранцев, поэтому он с особой тщательностью просмотрел все личные дела, сам побеседовал с каждым молодым человеком.

Вдохновенные слова родителей наказом – свято беречь мир и покой граждан Узбекистана, отправляются эти парни выполнять свой воинский долг.

Майор Анвар ИЛЪЯСОВ,
Фото Бахроме АБДУРАХИМОВА.



ИМТИЁЗ

Ислохотлар амалда

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ – ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Президентимизнинг Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил топганининг 17 йиллик байрамига бағишланган Мурожаатида: «Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш, армияда моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган кенг қўламли чора-тадбирларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Яқин йиллар ичида ўнлаб замонавий ҳарбий шаҳарчаларни барпо этиш ва реконструкция қилиш, бу объектларда энг юксак талабларга ҳамда ҳарбий хизматчилар ва уларни оилаларининг эҳтиёжларига жавоб берадиган қулай ижтимоий-маиший шароит ва инфратузилмаларни яратиб беришимиз керак. Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш бўйича тасдиқланган, 2015 йилгача мўлжалланган давлат дастурининг сўзсиз бажарилишига эришиш, ҳарбийларимизга тиббий, курорт-санатория хизмати кўрсатишни яхшилаш чораларини амалга ошириш лозим...», дейилади.

Дарҳақиқат, ўз ҳаётини шарафли ва масъулиятли соҳа бўлган Ватан ҳимоячиси бўлишдек эзгу вазифага бағишлаган, истиқлолимизни мардона асрашга чоғланган ҳарбий хизматчилар давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий эътиборидадир. Бугун олиб борилаётган ислохотлар самараси ўларок, ҳарбий хизмат мамлакатимизда нуфузли ва шарафли касбга айланди. Посбонлар учун белгиланган имтиёзу имкониятларнинг салмоғи юксак. Соҳанинг барча бўғинларида янгиланиш ва ўзгаришлар жадал олиб борилмоқда. Юртбошимиз раҳбарлигида ҳарбий соҳани ислох этиш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар доирасида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига доимий эътибор қаратилаётгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Марказий офицерлар саройида бўлиб ўтган тадбирда шу ҳақда гап борди. Унда Мудофаа вазирлиги масъул офицерлари, ўндан ортиқ лойиҳалаш институтлари ҳамда қурилиш-лойиҳалаш жамиятлари вакиллари иштирок этиб, оммавий ахборот воситалари ходимларига ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари учун турар-жой бинолари, жумладан, ётоқхона, кўп хонадонли уйлар, коттежлар, ҳарбий шаҳарчалар қуришда замонавий талаблардан келиб чиқиш кўзда тутилаётганини гапириб бердилар.

Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун қулай ижтимоий-маиший шароит, инфратузилмалар яратиш масаласига устувор эътибор қаратиб келади, – деди Мудофаа вазирлиги Уй-жойдан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи полковник Ю. Ким. – Вазирлик тизимида айтилган бу борада тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Қурилиш-лойиҳалаш ташкилотлари учун «Энг яхши макет» танловини эълон қилгандик. Мана, тадбирда улар ўз лойиҳалари ва макетлар билан иштирок этишмоқда. Шу кунларда булар ичидан энг қулай ва маъқулларини ажратиб олиб, танловни якунлаш арафасидамиз. Лойиҳаларда аввало, иқлим шароитлари ҳисобга олингани, шаҳар, посёлка ёки қишлоқ жойларидан ташқари тоғли, чўл ҳудудларида хизмат бурчини ўтаётган ҳарбийлар учун ҳар томонлама қулай турар жой бинолари барпо этишда ўзига хосликларга эътибор берилиши ҳисобга олинади. Танлов ғолиб ва совриндорлари учун Мудофаа вазирлиги томонидан диплом ҳамда махсус совғалар, пул мукофотлари таъсис этилган. Барпо этиладиган турар жой бинолари ва шаҳарчаларда барча қулайликлар мужассам бўлиши зарур. Ҳар бир хонадон мукамал ички қулайликларга эга бўлиб, мебель, энергия, сув ва бошқа таъминотлар бўйича муаммолари


бўлмаслиги, шунингдек, шаҳарча ҳудудида тиббиёт муассасаси, ҳарбийларнинг болалари учун боғча, мактаб, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, коттежларда эса булардан ташқари ҳар бир хонадон учун томорқа участкалари ҳам бўлиши кутилмоқда.

Бошқармамиз лойиҳа ташкилотлари ишини мувофиқлаштиради, – дейди давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг архитектура ва шаҳарсозлик бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ҳамза Очилов. – Мазкур кўрғазмада намойиш этилаётган лойиҳалар ичидан маъқул бўлганлари намунавий лойиҳалар сифатида олинади. Эътиборли томони, намунавий лойиҳадан пул маблағлари анча тежаллади. Юрт посбонларига қулайликлар яратиб бериш борасида ҳамкорлик қилиш бизга масъулият юклайди. Бу билан аввало, осойишталигимиз барқарорлигини таъминлаётган ўғлонларимизга миннатдорчилигини билдирган бўламиз.

Тадбирнинг иккинчи қисмида иштирокчилар эътиборига танловда қатнашаётган ташкилот ва муассасалар томонидан тақдим этилган лойиҳа ва макетлар намойиш этилди. Лойиҳалаш ва архитектура-қурилиш соҳаси бўйича мутахассислар иштирокчиларни қизиқтирган кўп-лаб саволларга жавоб қайтардилар.

Бири-бирдан кўркам, жозибали ва қулай, муҳташам уй-жойлар тарҳи кўрган кўзларни қувнатади. Ҳадемай мазкур тасвирлар маҳобатли ва салобатли иншоотларга айланиши, унда эл-юрт корига хизмат камарини маҳкам бойлаган юрт ўғлонлари ўз оилалари билан барча қулайликлардан фойдаланиб истиқомат қилиши, ушбу даргоҳларда Ватан тақдирига масъул фарзандлар камолга етишини ўйлаш кишига ажиб завқ бағишлайди.

Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ,
Муаллиф суратта олган.



Забота о быте – забота о боеготовности

КАЖДОМУ ВОЕННОСЛУЖАЩЕМУ – КОМФОРТНОЕ ЖИЛЬЕ

В соответствии с задачами, определенными Президентом Республики Узбекистан Исламом Каримовым, в Вооруженных Силах поэтапно выполняются мероприятия по совершенствованию инфраструктур военных городков. В Обращении Президента, посвященном 17-летию Вооруженных Сил, сказано: «В предстоящий период нам необходимо построить и реконструировать десятки современных военных городков, создав в них максимум социально-бытовых удобств, инфраструктуру, отвечающую самым высоким требованиям, потребностям военнослужащих и их семей. Необходимо добиться безусловного выполнения утвержденной государственной программы обеспечения жильем военнослужащих, рассчитанной на период до 2015 года, реализовать меры по улучшению их медицинского, курортно-санаторного обслуживания».

Более десяти организаций и проектных институтов приняли участие в конкурсе на лучшие макеты и проекты общежитий, жилых домов и коттеджей для военнослужащих и членов их семей. В Центральном Доме офицеров специалисты-дизайнеры на специальных стендах подготовили наглядно-информационные материалы, демонстрирующие преимущество того или иного проекта.

Проводимый конкурс является новым этапом реализации указаний Президента Республики Узбекистан

о создании современной инфраструктуры военных и жилых городков, комфортных условий проживания и прохождения службы военнослужащими, полной реализации намеченных масштабных мер по повышению эффективности социальной защиты военнослужащих и их семей.

Что должно быть предусмотрено проектировщиками? Для общежитий это размещение в жилой комнате не более двух военнослужащих, наличие холлов (мест для отдыха), помещений для разогрева пищи, санитарных узлов, включающих в себя туалет, умывальник и душевую.

Объемно-планировочные решения многоквартирных домов должны предусматривать наличие 1, 2, 3, 4-комнатных квартир. Проекты и макеты коттеджей должны отвечать градостроительным нормам и обеспечивать возможность организации приусадебного участка при каждой квартире.

Ознакомившись с представленными на конкурсе проектами Министр обороны Республики Узбекистан генерал-майор К. Бердиев и первый заместитель Министра обороны – начальник Объединенного штаба Вооруженных Сил Республики Узбекистан генерал-майор А. Косьяненко, руководители соответствующих служб заслушали аргументы генеральных директоров и главных инженеров проектных организаций в защиту своих проектов.

Теперь перед членами комиссии стоит непростая задача – оценить представленные макеты и проекты, выбрать те, которые на ближайшие годы определят облик и содержание жилья для всех категорий военнослужащих.

Победители, занявшие первые три места, будут награждены дипломами. Предусмотрено и вручение диплома «Обладатель зрительских симпатий конкурса».

Проводимый конкурс на лучшие макеты и проекты общежитий, жилых домов и коттеджей для военнослужащих и членов их семей, стал еще одним шагом к созданию современных военных городков. В них в полной мере будет предусмотрена развитая социальная, жилищно-бытовая инфраструктура – школы, детские сады-ясли, медучреждения, комбинаты бытового обслуживания, торгово-бытовые и коммунальные сооружения, места досуга и отдыха военнослужащих и членов их семей.

Конечная цель – создание комфортных условий для размещения военнослужащих во всех военных городках воинских частей, обеспечение качественного выполнения военнослужащими служебно-боевых задач.

В. НИКОЛАЕВ.

ИМТИЁЗ

ЭЪТИБОР ВА ГАМХЎРЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Яқиндагина Куролли Кучларимизнинг шонли ўн етти йиллик байрами мамлакатимизда кенг нишонланди. Ҳақон йиллар салмоғи унинг кўп ёки камлиги билан эмас, балки амалга оширилган улкан ишлар орқали белгиланади. Ўн етти йил давомида мамлакатимиз мудофаа салоҳияти беқиёс даражада юксалди. Миллий армиямиз босқич-ма-босқич, тизимли равишда шакллантирилди. Муддатли ҳарбий хизмат бир йилгача қисқартирилди, жорий этилган сафарбарлик қақуруви резерви хизмати муваффақиятли ривожланиб бормоқда. Қўшинларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий қурол-аслаҳалар билан таъминлаш билан бир қаторда ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ва маиший, турар-жой шароитларини янада яхшилаш борасида ҳам улкан ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз мустақиллигини ҳимоя қилишга қодир бўлган, ҳар қандай ташқи тажовуз ва таҳдидларга муносиб зарба бера оладиган, давр талабларига мос, тезкор, ихчам, профессионал асосда шаклланган миллий армиямиз барпо этилди, деб фахрланишга ҳақлимиз. Дастлабки шаклланиш йилларининг ўзига хос қийинчиликлари, мураккабликлари ҳамон ёдимизда. Ана шундай даврда ҳам ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари давлатимиз раҳбарияти, шаҳсан Юртбошимизнинг диққат-эътиборида бўлиб келди.

Шу кунларда замонавий қиёфа касб этаётган шаҳарчалар, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларига яратилаётган кўпдан-кўп қулайликлар, шарт-шароитлар ана шу юксак эътибор ва гамхўрликнинг амалдаги ёрқин ифодасидир. Бугун ана шундай эътибор ва гамхўрлик маҳсули бўлган биргина шаҳарча ҳақида газетхонларимизга ҳикоя қилмоқчимиз.

ЮРТ ҲИМОЯСИГА МАСЪУЛМИЗ

Халқимизда ёш оилаларга ўзгача бир эътибор, меҳр билан қараш мавжуд. Катта оила ҳаминша кичик ва ёш оилага гамхўрлик кўрсатиб келиши азал-азалдан қон-қонимизда сингиб кетган анъаналаримиздан биридир. Қадриятларимиздан баҳраманлиқ миллий армиямизда ҳам анъаналарга ҳурмат ҳисси юқори.

Офицер Нодирбек Набиевнинг хизмат қилаётганига эндигина беш йил бўляпти. Қисқа фурсат ичида дадил, ёш ва изланувчан офицер жамоадoshiлари ҳурматини қозониб улгурди. Бугунги кунда уни энг иқтидорли, Куролли Кучларимизнинг келажаги бўлган ёш офицерлардан бири сифатида тилга оладилар.

– Бугун қагчалик муваффақиятга эришган бўлсам, барчасида устоз офицерларнинг катта ҳиссаси бор, – дейди у биз

билан суҳбатда. – Хизматнинг дастлабки, ҳаяжонли ва бир-мунча мураккаб давларида улар мени қўллаб-қувватлаб, йўл-йўриқлар кўрсатишган, бой тажрибаларини ўртоқлашишган. Ҳатто, энг кичик муваффақиятимдан ҳам ўзим каби қувонганлар. Бу ўз навбатида мени руҳлантиряпти. Мен ҳам эндигина хизматни бошлаган ёш офицерларга худди улар каби ёрдам беришга интиламан. Шунинг алоҳида мамнуният билан таъкидлардимки, ҳатто яшаш шароитим ҳам ҳеч қачон қисм қўмондонлиги томонидан эътиборсиз қолмаган. Биз оиламиз билан ҳаминша юксак эътибор ва гамхўрликни ҳис қилиб яшаймиз. Бизга яратилган шарт-шароитларга жавобан бундан-да яхшироқ, аълороқ хизмат билан жавоб қайтарсак, дейман ва ҳар доим шунга ҳаракат қиламан.

Дарҳақиқат, уларга яратилган шароитдан кўзингиз қувонади. Атрофи тоза-озода, мевали ва манзарали дарахларга бой, шинамгина болалар майдончаси, замонавий усулда қуриб фойдаланишга топширилган, бунинг устига ётоқхона, ошхона, болалар хонаси мебелларидан тортиб, гиламларгача таъминланган янги квартиралар – буларнинг барчаси ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари учундир.

Шаҳноза билан Нодирбекнинг турмуш қурганларига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Улар «янги меҳмон»ни кутишмоқда. Янги меҳмоннинг мана шундай барча шароитлари бадастур янги уйда дунёга келиши қувонарлидир.

– Хизмат тақозосига кўра, кўчиб юришга тўғри келиши мумкинлигини айтган эдилар, – дейди офицернинг рафиқаси Шаҳноза Набиева. – Аммо мен офицернинг рафиқаси эканлигимдан, қаерда бўлмайлик, юрт ҳимоясига масъуллигимиздан фахрланаман. Энг диққатга сазовор ва эътирофга лойиқ жиҳати, ҳарбий хизматчининг оиласи, айниқса, ёш оила ҳеч қачон эътиборсиз қолмаслигини мен буни нафақат ўз ҳаётимиз, балки кўплай тенгдошларимиз мисолида ҳам кўриб турибман.

БИЗ БИР ОИЛАМИЗ

Офицер Муҳаммадмусо Салимовнинг рафиқаси Наргиза жамоат ишларида фаоллиги билан бошқалардан ажралиб туради. Уларнинг Исломбек, Севинчхон, Сарвинозхон исмли фарзандлари бор. Наргиза истейдолли аёл. Яхшигина шеърлар ёзади. Педагогика институтининг филология факультетини тамомлаган. Ниҳоятда қизиқувчан, ташаббускор, зиёли аёлларимиздан. Унинг мулоҳазаларига бир эътибор беринг-а:

– Янги уйдаги шароит биз каби оилалар учун қутилмаган совға бўлди. Газ плитаси, замонавий иситиш мосламаси, хуллас кундалик ҳаётимизда фойдаланиладиган барча маиший техника воситалари билан таъминланган уй ихтиёримизга берилди. Ҳарбийнинг тақдирини Ватан

тақдирини билан чамбарчас боғлиқдир. Шарафли касбнинг масъулияти ҳам шунда. Соғлом муҳит ҳукм сураётган оила ҳарбий хизматчига нечоғли руҳий қувват бахш этишини яхши англайман. Ва имкон қадар турмуш ўртоғим учун оиламизда ана шундай муҳит яратишга интиламан. Яқинда ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан тadbир ўтказилди. Унда ҳар бир оила ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди. Аёлларни иш билан таъминлаш масалаларига жиддий аҳамият берилди.

Мен, айниқса, офицер Тоҳиржон Калоновнинг қуйидаги фикрига ҳаммамнинг қўшилишини истардим: «Биз ҳаммамиз катта бир оиламиз».

Ҳа, бу фикрда жон бор. Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлими ва бўлинмалари фаолияти ҳам ана шу мақсадга йўналтирилгандир. Турмуш муаммолардан холи эмас. Ҳарбий хизматчининг оиласи ана шундай муаммолар билан ёлғизланиб қолишига йўл қўймаслик лозим. Бу ерда ҳарбий хизматчиларнинг оилалари билан олиб борилаётган ишларда улар учун янги иш ўринлари яратиш, фарзандлари чет тилларини мукаммал ўрганишлари, ҳунар эгаллашлари учун турли тўғарақлар ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда.

– 2008 йил, Конституциямиз қабул қилинган кун арафасида бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига янги уйнинг қалитлари топширилди, – дейди офицернинг рафиқаси Ойқиз Абдувалиева. – Бу биз каби оилалар учун қўшалоқ байрам бўлди. Ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига яратилаётган шарт-шароитлар, эътибор ва гамхўрликдан мамнунмиз. Буларнинг барчаси ҳарбий хизматчини ўз бурчига янада юксак масъулият ва садоқат билан хизмат қилишга ундаши шубҳасиз.

Биз бугун биргина шаҳарчадаги ўзгаришлар ҳақида бирозгина тўхтадик. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларига яратилаётган бундайин шарт-шароитларда мамлакатимиз Президентининг Куролли Кучларимизнинг ўн етти йиллик байрамига бағишланган Мурोजаатида «Яқин йиллар ичида ўнлаб замонавий ҳарбий шаҳарчаларни барпо этиш ва реконструкция қилиш, бу объектларда энг юксак талабларга ҳамда ҳарбий хизматчилар ва уларни оилаларининг эҳтиёжларига жавоб берадиган қулай ижтимоий-маиший шароит ва инфратузилмаларни яратиб беришимиз керак. Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш бўйича тасдиқланган, 2015 йилгача мўлжалланган давлат дастурининг сўзсиз бажарилишига эришиш... лозим» деб айтган сўзларининг аксодосини кўришимиз мумкин.

Инобат НОДИРШОҲОВА.



КРЕДИТ БОРАСИДА САВОЛИМ БОР

Ҳарбий хизматчи квартира сотиб олиш ёки якка тартибда уй-жой қуриш учун узоқ муддатли ипотека кредити олоқчи бўлса, дастлабки бадални олиш учун қаерга қанақа ҳужжатлар тақдим этади?

Кичик сержант Бахтиёр САТТОРОВ.

Жавоб:

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 июлдаги қарори асосида тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига узоқ муддатли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиралар сотиб олиш ва якка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ер участкалари ажратиш тартиби тўғрисида низомга ҳамда Мудофаа вазирининг бу борадаги тегишли буйруғига кўра ҳарбий хизматчи квартира сотиб олиш ёки якка тартибда уй-жой қуриш учун дастлабки бадални олиш учун ҳарбий қисмнинг турар жой комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

– дастлабки бадални олиш учун ҳарбий қисм командири номига рапорт;
– оиланинг таркиби тўғрисида турар жойдан маълумотнома;
– ҳарбий хизматчининг уй-жой билан таъминланиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжат ҳисобланадиган уй-жой аттестати;

– никоҳ тузилганлиги ва болалар туғилганлиги тўғрисидаги (болалар бўлса) гувоҳномаларининг нотариал тасдиқланган нусхалари;

– ҳарбий хизматчининг пул таъминоти ва у билан бирга яшайдиган оила аъзоларининг иш ҳақи, доимий иш жойи бўйича (доимий иш жойи бўлган тақдирда) кейинги 12 ой учун амалга оширилган чегирмалар миқдори тўғрисидаги маълумотнома ёки яшаш жойи бўйича давлат солиқ хизмати органи томонидан тасдиқланган ўша давр учун оила аъзоларининг даромадлари тўғрисидаги декларацияларнинг нусхалари;

– календарь бўйича ҳисоблаб чиқилган узоқ муддатли хизмат тўғрисидаги маълумотнома;

– ҳарбий қисм командирининг контракт тузилганлиги тўғрисидаги буйруғидан кўчирма.

ОИЛА ГУЛШАНИ

ИККИ ҚАЛБДА БИР ТУЙҒУ

Офицер Равшан Нурматовни омадли инсонлардан дейиш мумкин. Негаки, у оқила, меҳнатсевар, гўзал Зилолаxonни турмуш ўртоғи сифатида танлаб бахтини топди.



Анджон вилоятининг Анджон туманида туғилиб вояга етган Равшан мустақил ҳаёт йўлини танлаш имкони пайдо бўлганда ҳеч иккиланмай ҳарбий соҳани танлади. Унга Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Мудофаа вазирилик махсус факультетининг курсанти бўлиш nasib этди.

Ҳарбий либос кийиб, бу соҳанинг нечоғли заҳматли, машаққатли эканини билган Равшан бор имкониятини, салоҳиятини ишга солиб, ўқиб, изланди. Устозларнинг ҳарб.илми бўйича сабоқларини пухта ва чуқур ўзлаштирди.

– Армиясиз ҳаётимни тасаввур ҳам қилмайман, – дейди у. – Бор билим ва тажрибамни қўл остида хизмат қилаётган посбонларга ўргатишга, уларнинг ўз касбининг устаси, маҳоратли жангчи бўлиб етишишлари учун астойдил ҳаракат қиламан.

– Офицер Нурматовнинг ҳарбий жамоамизда ўз ўрни бор, – дейди майор Равшан Азимов. – У ўз касбига меҳр қўйган. Вазифасига доимо масъулият билан ёндашади.

Равшаннинг рафиқаси Зилолаxon унга ҳамиша елкадош. Бир шаҳарда туғилиб,

ўсиб-улғайган бу икки қалб эгаси бир-бирига узукка кўз қўйгандек муносиб. Зилолаxon педагогика институтини тугатган. Шу кунларда мактабда биология ва химия фанидан дарс бериб келаяпти.

– Ўқитувчи бўлишни ёшлигимдан орзу қилганман, шу касбга қизиққанман, – дейди хонадон соҳибаси. – Турмуш ўртоғимнинг мана шундай шарафли соҳада фаолият юритаётганидан фахрланаман. У кишининг инсонийлиги, олижаноблигини жуда қадрлайман. Равшан акага турмушга чиққанимга минг-минг шукур дейман. Бу инсон менинг ишонган тоғим. Аслида бизнинг танишишимизга у кишининг қариндошлари сабабчи бўлганлар. Гоҳ ҳазиллашиб, «ҳарбий либосингиз ёққани учун рози бўлганман», дейман. Шунда касбларидан жуда ҳам фахрланиб кетадилар. Мана, неча йиллардан буён тинч-тотув, аҳил оила бўлиб, икки фарзандимизни тарбиялаб келаямиз.

Мухтасар айтганда, бу аҳил оиланинг бахти муҳаббат риштаси билан боғланганида эканига амин бўлдик.

Ахбор ШУКУРУЛЛАЕВ.

МАЪНАВИЯТ БЕШИГИ

Қадрият ва анъаналарда халқнинг, миллатнинг турмуш тарзи, маданияти, маънавияти акс этади. Зеро, миллий анъана ва удумларимиз замирида ватанпарварлик, эзгулик, меҳр, вафо ва садоқат каби муқаддас фазилатларни инсонлар онгига сингдиришдек эзгу мақсад мужассам. Демак, қадриятларимиз барчамиз учун муқаддас. Уни муқаддаслигича авлоддан-авлодга етказиш эса биз учун олий мақсад ҳисобланади. Бунда эса оиланинг ўрни ва роли жуда муҳим. Чуқи фарзанд дунёга келиб, илк тарбияни оиладан олади. Шу боисдан ҳам энг аввало оила маънавиятини шакллантириш фарзанд тарбиясида катта аҳамият касб этади.

Мудофаа вазирилик ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлими томонидан ўтказилган маърифий тадбир ҳам айнан ана шу мақсадга йўналтирилганлиги билан қадрлидир. Тадбирда Куролли Кучлар Академияси тингловчиларининг ра-

фиқалари, ҳарбий хизматчи аёллар ва ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари иштирок этдилар.

“Оила – маънавият бешиги” деб номланган ушбу тадбирда ота-боболаримиздан қолган миллий меросимиз, алёру лапарлар, айтишувлар ва байту баракларимиз яна бир бор ёдга олинди, улар ҳақида қимматли фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шундан сўнг “Қайнона” газетаси бош муҳаррири, кўплаб китоблар муаллифи, шоира Марҳаббо Каримова сўзга чиқиб, инсон маънавий камолоти, аёл ва маънавият, оиланинг барқарор оламини шакллантиришда эр ва хотиннинг вазифалари хусусида фикр юритди ва ўз шеърларидан намуналар ўқиди.

Ф. ОРИПОВА,
Мудофаа вазирилик
ҳарбий хизматчиларнинг оила
аъзолари билан ишлаш
бўлими ходими.



«АЁЛ ВА ҲУҚУҚ»

Куролли Кучлар Марказий музейида «Аёл ва ҳуқуқ» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда Ўзбекистон Миллий университети профессори, «Ҳаёт ва ижро» ҳуқуқшунос аёллар бирлашмаси раҳбари Жамила Шермухаммедова ҳарбий хизматчи аёллар билан учрашди.

Тадбир аввалида сўзга чиққан Ж. Шермухаммедова, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, аёлларнинг жамиятда тутган ўрнини янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар борасида атрафлича фикр юритди. Учрашув давомида иштирокчилар билан турли интерактив усулдаги машқлар, психологик тестлар, савол-жавоблар ўтказил-

ди. Бу эса барчада катта таассурот қолдирди.

Юртбошимиз аёлларнинг жамиятдаги мавқени ошириш давлатчилигимизнинг устувор ва асосий йўналишларидан бири эканлигини кўп бора таъкидлаганлар. Зотан, мамлакатимизда ҳуқуқий давлат барпо этишда хотин-қизларга бундайини эътибор, бу борада амалга оширилаётган ислохотлар оилалар фаровонлиги, юрт ободлиги йўлида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ж. ҒАНИЕВА,
Тошкент ҳарбий округи ҳарбий
хизматчиларнинг оила
аъзолари билан ишлаш
бўлимаси бошлиғи.

«Энг ибратли ҳарбий оила»

СОҒЛОМ МУҲИТНИ ШАКЛЛАНТИРИБ

Давлатимиз томонидан оилаларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя қилишга, оналик ва болалик муҳофазасига улкан эътибор қаратилиб, қатор чоратадбирлар ишлаб чиқилган. Ҳарбий оилаларга қаратилаётган эътибор ана шу жараённинг узвий бир қисмидир.

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида ҳарбий хизматчилар оилаларини маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оилада соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантириш, ҳуқуқий тарғиботни мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимизни кенг тарғиб этиш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими билан ҳамкорликда «Оила муқаддас кўрғон» шиори остида «Энг ибратли ҳарбий оила» кўрик танлови ўтказилди.

Биринчи шарт – «Таништирув» деб номланиб, иштирокчилар ўз оилаларини шеър, бадний тарзда таништирдилар. Бу шартда майор Зайниддиновлар оиласининг чиқиши ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди. Танловнинг иккинчи шarti «Тафаккур гулшани» деб номланиб, унда иштирокчилар қанчалар сўз бойлигига эга эканликларини намойиш этишди. Бу шарт бўйича ўзининг билимдонлиги, ҳозиржавоблиги билан Шодмоновлар оиласи ғолибликни қўлга киритди. Шартлар оралиғида янграган дилрабо куй ва қўшиқлар тантанага янада файз бағишлади. «Реклама

ва эълонлар» деб аталувчи навбатдаги шартда сержант Содиқовлар оиласининг ҳазил-мутойибага бой чиқишлари томошабинлар олқишига сазовор бўлиб, юқори баҳоланди. «Истеъдод» деб номланган беллашувда ғолибни аниқлаш бирмунча қийинроқ кечди. Оилалар ўз истеъдодларини намойиш этишда бир-бирларидан қолишмадилар. Айниқса, оила бекалари ўзларининг тикувчилик ва пазандалик, шеърят борасидаги қизиқишларини кўрсатдилар. Танловнинг якуний шартига кўра, оила бекалари тушлик дастурхонини тузашлари ва бу пайтда турмуш ўртоқлари кўзлари боғланган ҳолда бўлишлари, дастурхон тузаб бўлгач, бекалар турмуш ўртоқларининг кўзларини очишлари ва улар ўз рафиқалари тайёрлаган тушлик дастурхонини топиб, буни изоҳлаб беришлари керак эди. Бу шарт орқали бекаларимиз дастурхон безаш санъатини намойиш этган бўлсалар, турмуш ўртоқлари хонадон соҳибаси тузаган дастурхонга қанчалар эътибор беришини кўрсатдилар.

Ниҳоят ҳаяжонли дақиқалар етиб келди. Тўпланган умумий балларга кўра, майор Зайниддиновлар оиласи танловнинг мутлоқ ғолиби деб топилди. Ғолиблар билим юрти ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими томонидан эсадалик совғалар ва диплом билан тақдирланди.

Ю. ҲАМИДОВА.



ЖАРАЁН

МАҚСАД — ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ

Ёш авлодни юксак маънавий-ахлоқий ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялашда мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда унинг ҳузуридаги техника мактаблари спорт тўғрақлари катта аҳамият касб этади.

Миллий армиямиз кудратини мустаҳкамлашга кўмаклашиш, хусусан, ёшларни турли касбларга ўргатиш, улар қалбида ҳарбийликка қизиқиш ва ҳавас уйғотиш, илк ҳарбий сабоқ ва кўникмалар бериш, она Ватанга садоқатли қилиб тарбиялаш каби вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб олган мазкур ташкилот бу борада бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда.

Яқинда ташкилот Марказий Кенгашининг навбатдаги кенгайтирилган Раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.

Раёсат йиғилишида Юртбошимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 13 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилда иқтисодийни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги маърузасида билдирилган фикрлар асосида 2009 йилдаги вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда 2008 йил давомида ташкилот тизимида фаолиятнинг барча йўналишлари бўйича ижобий натижаларга эришилганлик алоҳида қайд этилди.

Шу ўринда ташкилот тизимида фаолият кўрсатаётган спортчиларнинг муваффақиятларига тўхталиб ўтсак. Фарғоналик Алишер Мирзаев 19-28 август кунлари Чехияда ўтказилган кемамодел спорти бўйича жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритган бўлса, жиззахлик ёш умидли спортчи Анузар Юнусов 22-28 сентябрь кунлари Францияда бўлиб ўтган ёзги биатлон бўйича жаҳон чемпионати мусобақасида ўсмирлар ўртасида 2та олтин медални қўлга киритиб, икки карра жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Тадбирда техник ва амалий спорт турларининг ёшлар ўртасида оммавийлигини ошириш, тўғрақлар фаолиятини жонлантириш, Республика, вилоят техник ва амалий спорт турлари маркази ва ўқув техника клублари тизимида спортни ривожлантириш, йўриқчи-услубчи ва мураббийлар тайёргарлигини юксалтириш, Олимпиа турларига кирувчи спорт мусобақалари бўйича кадрлар захирасини яратишга эътиборни кучайтириш жорий йилнинг энг устувор вазифалари этиб белгиланди.

Тадбир сўнгида «Энг илғор минтақавий техник ва амалий спорт турлари маркази бошлиғи» (Андижон вилояти, Нурилло Мамарасулов), «Энг илғор ўқув спорт техника клуби раҳбари» (Навоний вилояти, Қизилтепа

тумани, Шамил Муҳаммедов), «Йилнинг энг яхши спортчиси» (Анвар Мирзаев, Анузар Юнусов, Дилафрўз Имомхусанова, Руслан Носиров, Жамол Мирҳосилов, Асқарбек Туманбоев, Андрей Сазанов, Павел Расстригин), «Энг яхши ҳакам» (Иброҳим Халилов, Абдумаъруф Жалолов), «Йилнинг энг яхши мураббийи» (Наиль Ҳакимзанов, Анвар Юнусов, Бобомурод Қодиров), «Энг илғор вилоят кенгаши раиси» (Андижон вилоят кенгаши раиси Набижон Маъмуров), «Энг илғор туман (шаҳар) кенгаши раиси» (Наманган вилояти, Мингбулоқ туман кенгаши раиси Муҳаммадсобир Мер-

ганов), «Энг тадбиркор раҳбар» (Самарқанд бирлашган техника мактаби тасарруфидаги «Шарқ маҳсулоти» шўба корхонаси раҳбари Акбар Ўлмасов) ҳамда «Энг малакали ўқув муассаса раҳбари» (1-ўрин Андижон бирлашган техника мактаби бошлиғи Турсунбой Жалолов, 2-ўрин Бухоро автомобиль мактаби раҳбари Шокир Шаропов, 3-ўрин Урганч бирлашган техника мактаби бошлиғи Жумабой Матмуратов) каби бир қатор номинациялар бўйича ташкилот тизимида ўтказилиб келинаётган тайловнинг голиб ва совриндорлари диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Ахрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Муаллиф суратга олган.



050

ҚУТҚАРУВЧИЛАРИМИЗ — ХАЛОСКОРЛАРИМИЗ

Фуқароларимиз хавфсизлигини таъминлаш, уларни турли кўринишдаги офатлардан муҳофаза қилиш борасида Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси Авария-қутқарув отряди халоскорлари ўз хизмат бурчларини сизқидилдан ўтаб, туну кун хизматга шай турибдилар. Бирор кўнгилсиз ҳодиса рўй бергудек бўлса, фидойи қутқарувчиларимиз санокчи дақиқалар ичида воқеа жойига етиб келадилар.

Жорий йил 18 февраль соат 14.30 лар атрофида тезкор навбатчилик қисмига нотаниш фуқаро кўнгирак қилади. Маълум бўлишича, Алишер Навоний кўчасидан оқиб ўтувчи Анҳор каналига икки киши тушиб, оқиб кетган экан.

Анҳор бўйига келган қизнинг эҳтиётсизлик туфайли сувга тушиб кетганини кўрган йиғит шу заҳоти уни қутқариш мақсадида шўнғийди. Бироқ сувнинг совуқлиги ва оёқ қон томирларининг тортишиб-увишиши сузишга имкон бермагани боис, бунинг уддасидан чиқолмай, ўзининг ҳаёти ҳам хавф остига қолган. Воқеанинг қисқача тафсилоти шундай.

Тошкент шаҳар ФВБ Авария-қутқарув отрядининг тажрибали ҳайдовчиси Мирсобит Мираҳмедов қутқарувчиларни махсус жиҳозланган автоуловда зудлик билан воқеа жойига олиб келди. Қутқарувчи-гаввослар жабрланганлар ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида бор маҳоратларини ишга солишди. Ўз касбининг усталари бўлган марду майдонларимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли фуқаро Д.Турдиматова ва А.Айтбоевлар ҳаёти сақлаб қолинди.

— Фуқаро Айтбоевнинг оёқ қон томирлари тортишиб, юзлари кўкариб кетган ва сузиш қобилиятини йўқотган экан. Агар бир неча сония кечиксак, унинг ҳаётини сақлаб қолиш даргумон бўларди. Касбиниз туфайли инсонларга нафимиз тегаётганидан хурсандимиз, — дейишди йўриқчи қутқарувчи-гаввослар — Бахтиёр Насметов ва Санжар Холматов.

— Бирор фавқулодда вазият тўғрисида бошқарма тезкор навбатчилик қисмига маълумот келган заҳоти шай ҳолатда турган қутқарувчиларни олиб, зудлик билан воқеа жойига отланамиз, — дейди Авария-қутқарув гуруҳи командири кичик сержант Мақсуд Мансуров. — Кўнгилсиз ҳодисалар оқибатида ҳаёти хавф остида қолган инсонларга ёрдам бериш, ҳалокатнинг олдини олишни шарафли бурчимиз деб билдимиз.

Азамат СУЮНОВ.

ЧИМЁНДА ЎҚУВ МАШҚИ

Қутқарувчилар нафақат ер-сувда, балки тоғларда ҳам чаққон ва фаол ҳаракат қила олиши лозим. Зеро, тоғларда, дараю жарларда бирор фалокат рўй бергудек бўлса, жабрланган ёки ёрдамга муҳтож инсонларни қутқариш улар зиммасига тушади. Шундай вазиятларда жисмоний ва руҳий жиҳатдан чиниққан қутқарувчилар ўз вазифасини тезкор ва тўлиқ уदдалайди.

Турли ўқув машқларида уларнинг ана шундай тайёргарлик даражаси синоддан ўтказилиб, малака ва тажрибалари янада ошади.

Яқинда Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги «Чимён» дам олиш ҳудудида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан «Тез ҳаракат қилиш республика кўп тармоқли марказининг қор кўчкиси билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишдаги ҳаракатлари» мавзусида ўқув машқи ўтказилди.

Тадбирни Фавқулодда вазиятлар вазири генерал-майор Қ.Аҳмедов кузатиб борди. Шунингдек, ҳудудий бошқармалар ва тузилмалар отряд бошлиқлари ҳам кузатувчи сифатида иштирок этдилар.

Ўқув машқининг шартига кўра, «Чимён» дам олиш ҳудудида қор кўчкиси натижасида бир қатор ноҳус вазиятлар содир бўлган. Биринчи босқичда кимёвий мода ташувчи автоулов ҳалокатга учраб, автоцистерна ёрилиши оқибатида атмосферага тарқала бошлаган хлор хавфи бартараф этилди. Жабрланганлар олиб чиқилиб, биринчи тиббий ёрдам кўрсатилди. Автоцистернага бандаж ўрнатилиб, тешиклари ёшилди. Ушбу жараёнларни бажарган барча қутқарувчи ва техниклар махсус ишловдан ўтказилди.

Иккинчи босқичда қор остида қолиб кетган киши қутқариб қолинди. Қутқарувчилар тоғ ёнбағрига махсус асбоб-анжомлар ва хизмат ит-

лари билан кўтарилиб, жабрланувчини излаб топдилар ва унга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиб, тиббий бўлимга юбордилар.

Учинчи босқичда қор кўчкиси оқибатида жарлик томонга қулаган икки саёҳатчиға ёрдам кўрсатилди.

Айтиш керакки, бунда қидирув-қутқарув гуруҳи тоғ-қутқарув анжомлари билан яхши қуролланган ҳолда қутқариш ишларини ташкил қилдилар. Маълумки, яхши иш қуроли ҳам моҳир қўлга тушсагина кўнгилдагидек иш бажарилади. Шу жиҳатдан қараганда, халоскорлар асбоб-анжомларни тезда шайлаб, маҳоратларини намоён қилиб, иш тутдилар ва жабрланганларни шикаст етказмай юқорига олиб чиқдилар.

Маълумки, тоғ йўлларида қиш пайтида транспорт воситаларининг ҳаракатланиши анча қийин. Шундай пайтда қор кўчкиси бу қийинчилик устига катта фалокат олиб келади. Тўртинчи босқичда ана шундай ҳолат юз бериб, йўловчи автомобил ҳалокатга учрайди. Қутқарувчилар гувоҳлар ёрдамида воқеа жойини аниқладилар, сўнг махсус қорқуракчалар билан автомобиль атрофини тозалалаб очиб, авария-қутқарув асбоблари ёрдамида жабрланувчини олиб чиқиб, биринчи тиббий ёрдам кўрсатишди.

Шу тариқа «Чимён» дам олиш ҳудудида навбатдаги ўқув машқи самарали ўтди. У ерда маза қилиб ҳордиқ олаётган юртдошларимиз, қиш завқини тотиб, қийқириб юрган болажонларни кўриб, кишининг кўнгли яйраб кетади. Барча иштирокчиларнинг кўнглидан шундай тилаклар ўтганига шубҳа йўқ: фавқулодда вазиятларга фақат шартли тарзда — ўқув машқларидагина дуч келайлик. Фуқароларимизнинг, болажонларимизнинг тоғу тошда ҳам, бошқа жойда ҳам ҳаминша боши омон, чеҳраси хандон бўлсин!

Дилшод РАЖАБОВ.

ТУРФА ОЛАМ

РИМ ИМПЕРИЯСИ ДАВРИДА КИМЁВИЙ ҚУРОЛ?!

Лестер университети ходими археолог Симон Жеймс Рим империяси даврида кимёвий қуроладан фойдаланилганлиги ҳақида далиллар топганлигини маълум қилди.


Мазкур тадқиқотчи Евфрат дарёси соҳилида жойлашган қадимий Дура-Европос шаҳрини ўрганиш билан шуғулланар эди. Милодий 256 йилда ушбу шаҳар форс армияси томонидан қамалга олинган. Қамалнинг бориши ҳақида ҳеч қандай ёзувлар сақланиб қолмаган, шу сабабли археологлар ўша давр воқеалари ривожини қазималар вақтида топилган жисм ва предметлар асосида тиклашга ҳаракат қилдилар.

Олимлар аниқлашчи, форслар тагини қазиб йўли билан шаҳар деворларини вайрон қилишга интилишган. Римликлар ҳам ўз навбатида уларга йўл бермаслик учун қарши томондан чуқур қазилган. 1930 йилда археологлар шундай йўл билан пайдо бўлган туннелларнинг биридан 20 нафар римлик аскарнинг жасади қолдиқларини топишган. Симон Жеймс ана шу аскарлар қандай ҳалок бўлганини аниқлашга қарор қилди.

Унинг фикрича, ўлимидан аввалги сўнгги дақиқаларда римликлар ўзлари қазиган ерости йўлагидан бўлганлар. Биронта жароҳати бўлмаган 20 нафар аскарнинг қандай ҳалок бўлгани тадқиқотчини қизиқтириб қўйди ва у кимёвий қуроладан фойдаланилган, деган тахминни илгари сурди.

«Рим» туннелида битум ва олтингургит кристаллари қолдиқлари топилди. Ёқилганда ушбу моддалар қуюқ захарланган буғ чиқаради. Жеймсининг фикрича, форслар ўз туннелларида ўзига хос қўра тайёрлашган, унга битум ва олтингургит солиб, римликлар ўз томонларидан ерни тешиб чиқишганида босқонлар ёрдамида ҳалокатли буғни шаҳар ҳимоячилари томон йўналтиришган. Натижада бир неча дақиқа ичида уларнинг барчаси ҳалок бўлган.

Форслар кимёвий қурол билан таниш бўлишларига қарамадан, шаҳар деворини қазилган туннеллари билан вайрон қила олмаганлар. Аммо улар Дура-Европос шаҳрини барибир қўлга олганлар, лекин буни қандай амалга оширганликлари ҳали аниқланган эмас.



НОВЫЕ ПЯТНА НА СОЛНЦЕ

Специалисты NASA объявили, что затянувшийся минимум солнечной активности завершился. Об этом сообщается на официальном сайте агентства.

Одной из основных характеристик активности Солнца является количество пятен на нем. Известно, что интенсивность пятнообразования меняется циклически с периодом примерно 11 лет. Пик предыдущего цикла солнечной активности пришелся на 2000 год, а начало следующего задержалось почти на два года.

Наконец, в январе 2008 года появились первые сообщения о появлении новых солнечных пятен. Они отличаются от старых по нескольким параметрам. Во-первых, старые расположены ближе к экватору. Во-вторых, перед появлением пятен регистрируется сильное магнитное поле с замкнутыми силовыми линиями, ориентированными параллельно солнечным меридианам. При этом направление силовых линий поля

новых пятен отличается от направления поля старых пятен: если старые «смотрели» с севера на юг, то новые направлены с юга на север и наоборот.

С января до недавнего времени соотношение старых и молодых пятен составляло пять к одному. В октябре 2008 года ситуация изменилась: появились пять групп этих образований, которые изменили соотношение на обратное — молодых стало в пять раз больше, чем старых. По словам ученых, в ближайшее время стоит ожидать дальнейшего роста количества пятен.

Некоторые исследователи полагают, что солнечная активность может оказывать существенное влияние на климат Земли: так, одной из причин глобального потепления они называют возросшую во второй половине XX века солнечную активность. Механизм воздействия, однако, пока остается не ясен.



САККИЗОЁҚЛАР ҲАҚИДА НИМА БИЛАМИЗ?

Уларнинг оёғи саккизта бўлиши ёки ўнлаб денгизчиларни тириклайин ютиб юборган улкан бош-оёқли моллюскалар ҳақидаги ҳикоялар мавжудлигини Лондон порти барларида бундай ҳикояларни ҳар бир денгизчи истаганингизча сўзлаб бериши мумкин. Аммо худди ўша Британияда яна бир ажойиб мўъжиза — олти оёқли саккизоёқ топилди.


Ушбу ноёб моллюска Ирланд денгизиде, Уэльсининг шимолий соҳили яқинида ушланган ва ҳозирда Блэкпул шаҳридаги денгизда яшовчи жониворларни ўрганиш марказида яшамоқда. Агар саккизоёқ ҳайвонот боғи ишчилари уни солиб қўйган аквариум ойналарига маҳкам ёпишиб олмаганда, унинг ғайриоддий миқдордаги оёқлари (биологлар уларни қўл деб аташди) эга эканлигини

ҳеч ким сезмаган ҳам бўлар эди. Блэкпулдаги марказнинг етакчи тадқиқотчиси доктор Кэри Дакхаузинг таъкидлашчи, Генри — ноёб моллюскага шундай исм беришган — дунёдаги ягона олти оёқли моллюскадир. Умуман олганда, саккизоёқлар йиртқишлар ҳужум қилганида, худди калтакесак думидан воз кечганидек, ўз оёқларидан бирини қурбон қилишлари мумкин. Бироқ юқоридаги моллюскада иккита оёқнинг йўқлиги уруғдошлик жароҳати натижаси, деб ҳисобланмоқда.

Барча саккизоёқлар каби «олтиоёқ» Генри мовийранг қон ва учта юракка эга бўлиб, улардан бири умумий қон айланишини таъминласа, қолган иккитаси жабраларни килород билан тўйдирини учун қонни улар орқали ҳайдаб туради.



ЭНГ УЗУН КЎПРИКЛАР



Дунёдаги энг узун кўприк АҚШнинг Луизиана штатидаги Понтчартрейн кўли соҳилларини боғловчи кўприк бўлиб, унинг узунлиги 38 422 метрни ташкил этади. Мазкур ажойиб иншоот 1969 йилда бунёд этилган.

Денгиз устида қурилган энг узун кўприк эса Шарқий-Хитой денгизи орқали ўтган Ханчжоу кўпригидир. У 2007 йилда қурилган бўлиб, узунлиги 36 километрни ташкил этади.

Энг узун осма кўприк эса Грециядаги икки йирик шаҳар — Рио ва Антириони бир-бирига боғловчи кўприкдир. Унинг расмий номи «Харилаос Трикоупис» бўлиб, бу ном ўтган асрдаёқ бу кўприкни қуриш зарур эканлигини таъкидлаган мамлакат бош вазири шарафига қўйилган. Кўприк 2004 йилда — Афинада Олимпиада ўйинлари очилишига бир ҳафта қолганда фойдаланишга топширилган. 2882 метр узунликка эга бўлган мазкур осма кўприкдан биринчи бўлиб Олимпия ўйинлари машъаласини кўтарган спортчилар ўтишган.

СЕНСАЦИОННОЕ ОТКРЫТИЕ!



Американские ученые сделали сенсационное открытие. Оказывается, человеческая зрительная система устроена таким образом, что позволяет нам предвидеть ближайшее будущее.

По словам ученых, мозгу требуется примерно одна десятая секунды, чтобы воспринять то, что видит глаза. Для компенсации этого временного разрыва у зрительной системы развилась способность предвидеть, что случится через одну десятую секунды в будущем.

Если предполагаемое будущее не совпадает с реальностью, то возникают иллюзии. Ученые выделили более 50 типов зрительных иллюзий, которые появляются из-за того, что мозг пытается предвидеть ближайшее будущее.

Специалисты уверяют, что это открытие поможет людям улучшить свои зрительные способности и адекватнее воспринимать реальность.

ҚЎЛБОЛА СУВОСТИ КЕМАСИ



Хитойда яшовчи Тао Ксангли 1,6 тонна оғирликка эга бўлган сувости кемасини ясашга эришди. У кемани яратини учун оддий металл бочкалардан фойдаланди.

Узунлиги 6 метр бўлган мазкур кема ичига фақат бир кишининггина сиғиши мумкин, бироқ у ерда сузиш вақтида керак бўладиган барометр, камералар, кислород баллонлари, фонарлар ва ҳатто, телевизор ҳам бор.

Ташаббускор Тао кемани лойиҳалаш ва қуришга бир йилга яқин вақт сарфлади. Унинг айтишича, бу ишдаги асосий муаммо зарурий билимларнинг етишмаслигида эмас, балки молиявий томондан бўлган. Сувости кемасини қуриш унга 4,5 минг долларга тушди, бу эса унинг 1 йиллик маошини ташкил этади. Муаллиф таъкидлашчи, кема 10 метр чуқурликкача туша олади. Қизғин шундаки, бор-йўғи бошланғич маълумотга эга бўлган Тао Ксангли ҳозиргача 17 та ихтиросига патент олиб улгурган.

ХОНаДОН

К вашему столу

КАРТОФЕЛЬ ФАРШИРОВАННЫЙ



На 2 порции: картофель 4 шт.; масло сливочное 40 г; говядина 50 г; лук репчатый 1 головка; орех тертый 1/2 ч. ложки; сыр твердый 20 г; масло растительное 200 г; соль; зелень.

Приготовление: картофель очистите, вырежьте из него «стаканчики», оставляя стенки толщиной 0,3 см, и обжарьте их в растительном масле. Извлеченную сердцевину картофеля сварите в подсоленной воде, потрите, добавьте масло и орехами. Лук мелко порубите и обжарьте с говядиной, нарезанной кубиками, смешайте с картофелем.

Нафаршируйте картофельные стаканчики приготовленной массой, посыпьте тертым сыром и запекайте при 170 °С. Оформите зеленью.

Время приготовления 50 минут.

ҚУЙМОҚЛИ, ЖИГАРЛИ ПИРОГ

Керакли масалликлар:

Қуймоқ учун 200 гр. ун, 0,5 литр сут, 2 дона тухум, 1 ч. қ. шакар, таъбга кўра туз ва 2 ош қ. ўсимлик мойи. Қиймага 500 гр. жигар, 2 дона пиёз, 100 гр. ўсимлик ёғи, 2 дона тухум, бир боғ майда тўғралган кашнич, таъбга кўра қора мурч ва туз.

Тухумни туз ва шакар билан кўпиртириб, унга сут, ун солиб яхшилаб аралаштирамиз. Тайёр хамир тиндирилиб, ёғланган ва қиздирилган товага оз-оздан қуйиб қуймоқларни пишириб оламиз.

Жигарни майдалаб тўғраб, тайёр бўлгунга қадар қовурилади.

Пиёзни ҳам алоҳида нимпушти ранг бўлгунча қовуриб, совутилади. Жигарга туз, мурч солиб, пиёз билан биргаликда гўшт қиймалагичдан ўтказилади, кўпиртирилган тухум, кўкатни қўшиб аралаштирилади.

Товага қуймоқлар орасига қийма солиб, устма-уст тахланган ҳолатда устидан ёғ қуйиб, 20 дақиқа газ печига қўйилади.

Тайёр пирогни иссиқлигида ҳам, совутилган ҳолатда ҳам дастурхонга тортса бўлади.



Bolajonlar, sizlar uchun!

ILON XAZINASI



Qadim zamonda ikki aka-uka yashagan ekan. Akasi boy va xasis ekan, ukasi esa juda saxiy va odil ekan. Ukasining bir parcha yeri bo'lib, oilasi bilan ahil yashar ekan. Akasi esa o'z boyligini qizg'anib, hattoki uylanmagan ekan.

Bir kuni ukasining xotini sigirini endi sog'ib bo'lgan ekan, birdan bolasi yig'lab qolibdi. Shoshilib bola tomon yuguribdi. Bolani yupatib, sut sog'ilgan chelak tomonga qarab yuribdi. Ne ko'z bilan ko'rsinki, chelakdagi sutni bir katta ilon ichayotgan emish.

Yaqin atrofda ishlayotgan eri ilonni ko'rib, xotiniga «yaqinlashma» deb ishora qilibdi. Birozdan keyin ilon sutni ichib, o'z yo'liga ravona bo'libdi. Dehqon ayol

chelakni olish uchun borsa, chelak tagida oltin tanga yotardi. Er-xotin har kuni sigirni sog'ib, chelakni shu joyda qoldiradigan bo'lishibdi. Ilon ham har kuni chiqib sutni ichib, o'rniga oltin tanga qoldiraveribdi. Dehqon asta-sekin boyib ketibdi. Buni ko'rgan aka ichidan zil ketibdi. Xasislik, ochko'zlik balosi uyusini qochiribdi. Ukasiga o'zini do'st ko'rsatib, uni aldab, bu sirning tagiga yetibdi.

Kunlardan bir kuni dehqonning xotini sigirni so'g'ib, chelak to'la sutni ilon yo'liga qo'ydi. Buni poylab turgan aka tez chiqib, ularni bir iltimos bilan uzoqroqqa ishga buyuribdi. O'zi esa o'tkir bolta olib, ilonni poylab turibdi. Ilon har kungiday xotirjam sutni icha boshlabdi. Boy aka paytni poylab bolta uribdi, ilon esa chap berib, boyni chaqib o'ldiribdi va bir qarich dumini qoldirib, o'z uyiga ravona bo'libdi.

Dehqon uyiga qaytgach, akasi o'lib yotganini va bir qarich dumini ko'rib, bo'lgan voqeani tushunibdi, yig'lab-yig'lab, akasini ko'mib kelibdi.

Oradan bir oy o'tgach, ilondan darak bo'lmabdi va dehqon ilon yashaydigan g'orga bo'rib:

– Ey ilon! Sen bilan do'st edik-ku, sening oltining ham kerak emas, senga sut to'la chelak va biz ham intizormiz, – debdi.

Ichkaridan ilon ovoz beribdi:

– Sen oqko'ngil, saxiysan, sen bergan sutingga, men esa bergan oltinimga rozi bo'laylik. Senda akang firoqi, menda dumim alami bor. Senga dushmanligim yo'q. Akangning ochko'zligi boshiga yetdi va bizning do'stligimizga nuqta qo'ydi.

Ochko'zlik qancha-qancha insonlarning boshiga yetmadi, qancha-qancha odamlarni badnom qilmadi. Qaysi oilada halollik, ahillik bo'lsa, shuning o'zi baraka va boylikdir.

Соғлигим – бойлигим

ҲАМ ФОЙДАЛИ, ҲАМ ШИФО

Олма. Ҳар жиҳатдан ҳам ажойиб мева: биринчидан, унинг таркибидagi кислоталар чиритувчи бактерияларга қарши курашда ёрдам беради ва шу сабабли ҳам ошқозон учун жуда фойдали. Олма, шунингдек, юрак-томир тизими учун ҳам зарур. Иккинчидан, олма таркибида саратон (рак) ҳужайралари ўсишининг олдини олувчи кверцетин моддаси бор. Парҳез-шунос мутахассислар шунингдек, зарурий микроэлементлар ўрнини ўз вақтида тўлдириш учун тушлик вақтида бир-иккита олма ейишни тавсия этадилар.

Пиёз. Ҳар куни биз дастурхонимиздаги деярли барча овқатларга пиёз қўшамиз, аммо ҳеч қачон этилган пиёзнинг ўзи ҳам, унинг ям-яшил новдалари ҳам дармондори (витамин)лар, минераллар ва микроэлементлар кони эканлигини ҳатто ўйламаймиз ҳам. Пиёз жигар, қалқонсимон без ҳамда қон-томир тизими ишига ижобий таъсир кўрсатади. У иммунитетни яхшилайти ва шамоллаш касалликларини даволайди. Таъкидлаш лозимки, пиёз ҳатто термик ишлов берилганда (қайнатилганда, қиздирилганда) ҳам ўзининг даволоччи хусусиятларини йўқотмайди.

Балиқ. Агар сиз соғлом ва куч-қувватга тўла бўлишни истасангиз, гўшдан балиқ фойдасига воз кечишингиз лозим. Ушбу маҳсулот юракнинг ишемик касаллиги юзага келиши эҳтимоллини сезиларли камайтириши билан жуда фойдали. Бундан ташқари, балиқ таркибида катта миқдордаги тўйинмаган ёғ кислоталарининг мавжудлиги организмга бошқа овқатлар орқали тушувчи холестерин моддасининг жойлашиб олишига қарши яхши тўсиқ бўлади.

Саримсоқ пиёз (чеснок). Худди пиёз сингари фойдали моддаларга жуда бой ҳамда шамоллаш касалликларига қарши курашда жуда кучли. Саримсоқ зарарли микроорганизмларга қирон келтириб, ошқозонингиз фаолиятини нормаллаштиради. Бу маҳсулот қондаги холестерин миқдорини камайтириши билан ҳам фойдали. Тўғри, у тўғридан-тўғри истемол этилганда анча фойдали, аммо шу билан биргаликда, термик ишловдан сўнг ўзининг нохуш ҳидини йўқотиши ҳам бор гап.

Сабзи. Дармондорилар ва минерал-машҳур келтирувчи яна бир фойдали организмимизда А дармондорини моддаси мавжуд. У кўриш сир кўрсатади, саратон касаллик-эрталаб иччиладиган бир пиёла га яхши кайфият ва куч-қув-

Ёнғоқ. У ҳам дармондо-минералларга жуда бой.

олиятини яхшилайти, ватини ва аёллар ҳисси-ради. Шунингдек, лияти ва кўриш қо-учун ҳам фойдали, касаллиги билан ланиш эҳтимо-25-30 фоизга майтиради.



Yettita farqini toping



БЕККАТ

СКАНВОРД

									Харбий унвон				
	Деҳқончилик соҳаси		Раҳбар аёл		Серсув дарё		Богловчи			Рангли металл		Айлана ўртаси	
									Харбий қисм	Кўплик қушимчаси		Фруктоза қолдиги	
	Эришиш												
	Тонг пайт						Инглиз маликаси						
	Физика соҳаси	Эстония шаҳри	Тананинг чидамлиги		Эркак исми								
							Физик зарра			...дона		Чизиқ	
	Отанинг укаси								Европа дарёси	...қор			
					Кимёвий элемент				Тарафдор				
	Пойабзал ашёси								Маъмурий ҳудуд			Қасам	
	Хунардандур...						Бобурнинг набираси	Буюк Ҳайкирик (ҳарб.)				Музыка асбоби	
	Самарқанд вилояти шаҳри	Темир йул				Таъм				Қасида (грек.)		Койнот	
													Эркак исми
Экинзор қисми		Самолёт иншооти			Мақсадга етурда жон фидо қил, Тошни гуҳар этган ишни иш бил.				Ит (форс)				
											Қаллиқ		
			Баҳодир		Амир Хисрав Дехлавий								
			Навбат										
												Эфир мойли ўсимлик	Италия футбол жамоаси

ГАЗЕТАНИНГ 8-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: «Зарбулмасал». Иш. Бикарбонат. Бас. Назм. Орт. Дурадгор. Куй. Иноқ. Пи. Лаззат. Ҳал. Ота. Гербарий. Гита. Скиф. Роом. Макака. Ван. Аёз «Ил». Мен. Умра. Ростгүйлик.
БҮЙИГА: Забардаст. Ректор. Умрбод. Баргизуб. Остона. Сеанс. Шамойил. Ли. Ротор. Та. Упа. Легионер. Тиски. Рамз. Амма. Ик. Ането. Ҳайкал. Уфқ. Гармм. Наво. Афанди.
 Ҳозирда **ОРИПОВ** тузди.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ГОРОСКОП



На этой неделе полагайтесь только на себя. Соберитесь с мыслями и не отвлекайтесь, а также стремитесь сделать максимум дел — это вам удастся без особых усилий. Необходимо создать и воплотить в реальную жизнь наиболее удобный для вас жизненный ритм.



Желательно избегать активности в делах. Не стоит принимать или давать советы. Проявляйте осторожность при работе с документами. Воспользуйтесь новой информацией и умением убеждать. Успешным может быть поиск дополнительного заработка.



Не стоит опасаться перемен — для них сейчас подходящее время. На этой неделе может благоприятно решиться вопрос карьеры. Вашу инициативу способно поощрить начальство. А вот от домашних споров лучше уйти, чтобы не обострять отношения.



На этой неделе вам необходимо действовать совместно с надежными партнерами. Можно смело планировать ответственные переговоры. Появится возможность расширить дело или сделать выгодную покупку. В выходные дни постарайтесь обеспечить себе полный покой.



Вам придется не один раз отстаивать свою точку зрения в общении с окружающими. Старайтесь делать это максимально аргументировано. Желательно всеми силами избегать конфликтных ситуаций. При решении любых вопросов постарайтесь сохранять спокойствие и беспристрастность.



Необходимо продумать и рационализировать методы работы. Не тратьте лишние силы на суету и пустое общение. Очень важно не создавать себе перегрузок на работе. Если вас попросят о помощи, не отказывайтесь. Выходные лучше провести в комфортной для вас обстановке.



Наступило время ненавязчиво заявить о себе и напомнить о своих идеях. Желательно не предпринимать решительных шагов. Используя собственные способности, вы можете достигнуть хороших результатов. Вероятно, появится важное дело, требующее терпения.



Вы можете получить долгожданное известие. В течение недели вероятно предложение о вступлении в общество, членство в котором прибавит вам авторитета у друзей. В выходные заканчивайте незавершенные дела, выполняйте обещания.



На работе вас может закружить вихрь неотложных дел. Будут удачными поездки и командировки. Важные встречи и серьезные переговоры могут принести долгожданные результаты. У вас будет возможность проявить деловые качества и способности.



На этой неделе энергия начнет бить ключом, вы будете способны уладить сразу тысячу дел. Фортуна улыбнется вам, но проявите мудрость и не спешите. Помните: чтобы не спугнуть удачу, необходимо правильно выбрать задачу и поставить реальную цель.



У вас будет время для того, чтобы подводить итоги, делать выводы и строить планы на будущее. Посвятите достаточно времени дому, создайте в нем уютную обстановку. Если у вас запланирован ремонт, самое время его начать. В выходные организуйте праздник.



В начале недели прежде чем решать возникшую проблему, желательно посоветоваться с друзьями. Постарайтесь не суетиться, сосредоточьтесь — и все у вас получится. Не стоит предпринимать поспешных или рискованных действий.

Табассум

САВОЛ-ЖАВОБ

Чақирув комиссияси навбатдаги чақирилувчи билан суҳбат ўтказмоқда.
 — Демак, сиз денгиз флотиди хизмат қилишни истайсиз.
 — Ҳа.
 — Ўзи сузишни биласизми?
 — Сузишни?! Нима, у ерда кемалар йўқми?

МЕҲМОНГА БОРАМИЗ

Эр-хотини дўстлариникига меҳмонга отланишмоқда.
 — Биласанми, негадир мен ҳеч қачон боргим келмаяпти, — деди хотини.
 — Азизам, менинг ҳам боргим йўқ. Аммо биз бормасак улар қанчалик хурсанд бўлишларини кўз олдига келтиргини-а...
 — Ҳа. Албатта бориш керак.

МЕҲНАТСЕВАР

Қурилиш ташкилотига ишга кириш учун бақувват бир йиғит кириб келди.
 — Қўлингиздан нима иш келади? — деб сўради бошлиқ.
 — Ер қавлашим мумкин.
 — Яна нима?
 — Қавламаслигим ҳам мумкин...

ЯХШИ ЭШИТАМАН

Бир киши дўконга кирди ва бақириб сўради:
 — Сизларда гугурт борми?
 Сотувчи аёл:
 — Нега бақирасиз?! Мен жуда яхши эшитаман. Сизга филтрингиданми ёки филтрисиз?

ШИКОЯТ

Врач бемордан сўради:
 — Нимадан шикоятингиз бор?
 — Ҳаётдан, доктор.
 — Э-э, хавотир олманг, у тез ўтиб кетади...

УЧРАШУВ

— Биз хотиним билан дискотекада учрашиб қолдик...
 — О-о, бу қандай ажойиб!
 — Ҳа, бундан ажойибни бўлмайди. Ахир мен хотиним уйда болалар билан ўтирибди, деб ўйлаган эдим-да...

БАҲОСИ ҚАНЧА?

Икки собиқ синфдош кўчада учрашиб қолди. Биттаси — бойвачча, иккинчиси эса кўчада сотувчи экан.
 — Хўш, нима иш қилаясан, — сўради бойвачча.
 — Шунчаки, кўча сотувчисман...
 — Оббо, шоввоз-ей... Ҳозир битта кўчанинг баҳоси қанча туради?

С. ПҮЛАТОВ тайёрлади.

Рекорды Книги Гиннеса



Два бразильских футболиста удостоились чести попасть на страничку последнего издания Книги рекордов Гиннеса. Они стали голкипером клуба «Сан-Паулу» Рожерну Сени и нападающим итальянского «Милана» Роналдо.



Самая длинная собака, волкодав по кличке Мон Ами (длина тела 232 см), проживает в Германии.



Профессиональные повара поджарили 36 тонн баранины и говядины. Подавали блюда 6 тысяч официантов-добровольцев... Пикник с огромным количеством барбекю стал новым рекордом Книги Гиннеса...



Cosmopolitan заманулся на «рекорд-маркетинг». Российские девушки выложат собой надпись Cosmo.ru и войдут в Книгу рекордов Гиннеса. Журнал Cosmopolitan идет на рекорд второй раз.

ОГОҲЛИК

ТЕРРОРИЗМ ОМИЛЛАРИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШ

Дунё ҳамжамияти томонидан терроризмга қарши кураш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамай, XX аср охири – XXI аср бошларида террорчилик хуружлари халқаро хавфсизликка таҳдид солишда давом этмоқда. Бу эса унга қарши курашдаги амалий тадбирларнинг янада кучайтирилиши заруриятини келтириб чиқаряпти.

Бугун дунё халқларини ташвишга солаётган мазкур муаммо террорчилик хуружларини таҳлил қилиш ва хулоса чиқаришни, бу борада тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда. Ҳозирда жаҳон ҳамжамияти олдида турган асосий вазифалардан бири ҳам айнан ана шу мақсадга, яъни «халқаро терроризм»нинг илмий ва сиёсий тавсифларини, унга берилган турли-туман таърифларни таҳлил қилиш билан биргаликда мазкур жиноятчиликни оғоҳлантириш ва жиноятчилар билан муносабат ўрнатилган асосида унга қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга йўналтирилган.

Шуни айтиш жоизки, халқаро ташкилотлар ва қатор тадқиқотчилар томонидан терроризмнинг сабабларини ўрганишга катта эътибор бериб келинмоқда. Ушбу тадқиқот жараёни, ўз навбатида, терроризмга қарши курашнинг ҳуқуқий чораларини ишлаб чиқиш ва тақомиллаштириш борасида асосий муаммоларни ҳал қилишдаги мезонлардан бири ҳисобланади.

Терроризмнинг ривожланишига олиб келувчи омилларни ўрганиш, турли ташкилотлар, олимлар томонидан ва кенг илмий доирада тадқиқ қилиниши бу жиноят пайдо бўлгандан бери мавжуд. Хусусан, БМТнинг 1990 йилги Гавана (Куба)да бўлиб ўтган жиноятчиликни оғоҳлантириш ва жиноятчилар билан муносабат тўғрисидаги VIII халқаро конгрессида терроризмнинг асосий сабаблари сифатида куйидагилар кўрсатиб ўтилган:

- қашшоқлик, ишсизлик, саводсизлик, қулай яшаш шароитининг мавжуд эмаслиги;
 - кадрлар тайёрлаш ва таълим тизимидаги номукамаллик, таълим-тарбия борасидаги камчиликлар;
 - аҳолининг бир-биридан узоклашиб, бегоналашуви ва камбағаллашуви;
 - мамлакатининг тақдир ва келажагига ишончининг йўқлиги;
 - ижтимоий тенгсизликнинг кучайиши, онлавий ва ижтимоий алоқаларнинг заифлашиши;
 - миграциянинг салбий оқибатлари;
 - маданий-маиший объектларнинг етишмаслиги ва оқибатда маданий ўзига хосликнинг йўқолиб бориши;
 - оммавий ахборот воситаларида зўравонлик, тенгсизлик ва муросасизликнинг кучайишига олиб келадиган ғоялар ҳамда қарашларнинг тарқатилиши.
- Ҳозирги кунда кўплаб юридик адабиётларда терроризмнинг сабаблари сифатида куйидаги омиллар санаб ўтилган:
- 1) ҳасад, адоват, нафрат, эскича турмуш шароитини кўмаси ва бошқа шу каби ижтимоий-психологик омилларни юзага келтирадиган ижтимоий табақаланишнинг мавжудлиги ва бунинг оқибатида аҳоли баъзи қатламлари ҳаёт даражасининг пасайиши;

2) иқтисодий танглик, нархларнинг ўсиши, пулнинг қадрсизланиши;

3) турли ижтимоий ва касб билан боғлиқ бўлган гуруҳлар, хусусан, ҳарбий, ҳарбий тажрибаси бор бўлган, шунингдек, портловчи моддалар ва мосламалар билан ишлаш тажрибасига эга шахслар ҳаётидаги танқислик ҳолати;

4) бозор иқтисодиёти шароитида инсонни руҳий ва касбий жиҳатдан таназулга олиб келадиган, сарсон-саргардонлик, миграция муаммосини юзага келтирадиган ишсизликнинг ўсиши;

5) аҳоли орасида ҳарбий ва жанговар ҳаракатларда иштирок этиш, қуро-яроғ, ҳарбий тайёргарликларга қизиқиш ортиши;

6) миллий мавқини намоён қилиш;

7) оммавий ахборот воситаларида зўравонлик, тенгсизлик ва муросасизликнинг кучайишига олиб келадиган ғоялар ҳамда қарашлар, шунингдек, аҳолининг террорчиларнинг куч-қудратига, барча ишларни бажара олиш қобилияти ва имкониятига ишонтиришга қаратилган маълумотларнинг тарқатилиши.

Президентимиз Ислам Каримовнинг асарлари ҳамда расмий доираларда сўзлаган нутқларида терроризмнинг омиллари сифатида турли ҳарбий-сиёсий блокларнинг қарама-қаршилиги, миллатчилик ва дин асосидаги конфликтларнинг мавжудлиги, ноқонуний қуро-яроғ савдосининг ўсиб бориши, давлат ичидаги айирмачилик кайфиятидаги гуруҳларнинг фаолияти, ноқонуний наркотик моддалар ишлаб чиқиши ва тарқатилиши, иқтисодиёти оғир аҳволда бўлган давлатларда турли деструктив кучларнинг мавжудлиги ва уларнинг террорчилик ҳаракатлари, ҳарбий тўқнашувлар вужудга келишидан манфаатдорлик, шунингдек, айрим давлатларда муҳим геосиёсий ўзгаришлар бўлиши оқибатида муайян ташқи кучлар уларни ўз таъсир доирасига ўтказишга уриниши каби ҳолатлар таъкидлаб ўтилган.

Шу ўринда терроризмнинг тарқалишига имкон яратадиган омил сифатида коррупцияни ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Бу борада айрим хориж мутахассислари коррупцияга уюшган жиноятчиликнинг ўзига хос бир элементи сифатида баҳо беришган ҳамда унинг терроризм тарқалишига қай даражада таъсир этишини кўрсатиб ўтишган. Уларнинг фикрича, ушбу таъсир бевосита (террорчиларга тўғридан-тўғри шерикчилик) ёки билвосита (масалан, наркотикидан келадиган даромаддан терроризмни молиялаштириш) бўлиши мумкин.

Шунингдек, баъзи бир мутахассислар давлатта, сиёсий етакчи, ҳокимиятга ёки унинг олиб бораётган сиёсати таъсир кўрсатиш, ҳокимиятни у ёки бу мазмундаги сиёсий фаолият ҳамда қарорларни қабул қилишга мажбурлаш мақсадида амалга оширилган террористик хуружларни қамраб олган сиёсий терроризм сабабларини куйидагича кўрсатишган:

- 1) ҳукмрон етакчилар томонидан оппозицион сиёсий партияларга нисбатан жазо чоралари қўлланилиши;
- 2) ҳукмрон етакчилар томонидан жамиятга ноанъанавий бўлган янги ижтимоий-сиёсий тартиб-қоидаларнинг мажбуран сингдирилиши;
- 3) давлат ичида ички сиёсий конфликтларнинг кескинлашуви;

4) бирор минтақада икки давлат сиёсий манфаатларининг тўқнаш келиши;

5) ҳукумат олиб бораётган миллий сиёсатдаги хатоликлар;

6) алоҳида шахслар, гуруҳлар ва партиялар ўртасида аниқ бир мақсадга қаратилган миллий ихтилофларнинг авж олдирилиши;

7) бир давлатнинг бошқа давлатга ҳужум қилиши ва босиб олишининг кўп ҳолларда аҳоли томонидан террористик усулларни қўллайдиган қарама-қаршиликка учраши;

8) чет эл дипломатик вакиллари ва муассасаларига нисбатан амалга оширилган террорчилик хуружлари туфайли муайян давлат ҳукумати фаолиятидан норозилик келиб чиқиши.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, терроризмни юзага келтирувчи омил сифатида дунёвий глобализация билан бир вақтда рўй бераётган жиноятчиликнинг глобаллашуви жараёнини ҳам кўрсатиб ўтиш зарур. Чунончи, дунёвий глобаллашуви ва интеграция жараёни нафақат давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ривожланишига, балки терроризмнинг кенг тарқалишига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда инсон эътиборини ўзига тортадиган муҳим муаммолардан бири – бу дунё аҳолиси яшаш ва ҳаёт даражаларининг тенг эмаслиги ёки жаҳоннинг айрим ҳудудларида фуқароларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан етарли таъминланмаганлиги, яъни қашшоқликдир. Кўплаб тадқиқотчилар қашшоқликни терроризмнинг кенг қулоқ ёйишига имкон бераётган омилларнинг энг асосийларидан ҳисоблашади. Чунки молиявий ва моддий етишмовчилиги бор кишилар ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида ҳар қандай хунрезликлардан тоймаслиги мумкин.

Дунёнинг турли минтақаларида юз бераётган воқеа-ҳодисалардан хулоса чиқарган ҳолда, Ўзбекистонда ёшларнинг турли оқим, диний-экстремистик гуруҳлар ҳамда террорчилик ташкилотларининг таъсирга тушиб қолишининг олдини олиш мақсадида дастурлар ишлаб чиқилган. Шу ўринда 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши, ёшларнинг касб ва билимга қизиқишини ошириш, янги иш ўринларини яратиш ва иш билан таъминлаш, уларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор берилиши муҳим аҳамият касб этганини таъкидлаш жоиз.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, терроризмга қарши курашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишдан олдин уни юзага келтираётган омилларни аниқлаб олиш ва аввало, шу сабабларни бартараф этиш орқали ушбу жараёнда ижобий натижаларга эришса бўлади. Жамиятда мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал қилишни терроризм авж олишининг олдини олишдаги дастлабки ҳаракат сифатида кўриш мумкин. Кишиларнинг терроризм таъсирга тушиб қолишининг олдини олишда жамиятда уларнинг тинчлиги ва хавфсизлиги яхши таъминланган, ижтимоий муҳофаза кенг йўлга қўйилган, фуқароларнинг эркин, мустақил фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар, ҳуқуқий-меънарий асослар яратилган бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Абдурашид МИРЗАЛИЕВ, тадқиқотчи.

Бдительность — наше оружие

НАРАБОТАН ПОЛОЖИТЕЛЬНЫЙ ОПЫТ



Как отмечено в Обращении Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова, посвященного 17-летию образования Вооруженных Сил Узбекистана: «Ни для кого не секрет, что военно-политическая ситуация в Центральноазиатском регионе в связи с продолжающейся вот уже 30 лет войной в Афганистане и активизацией за последнее время террористической и экстремистской деятельности, все более расширяющимися масштабами наркоагрессии продолжает оставаться напряженной». В этих условиях сохра-

нение бдительности и высокой боевой готовности, принятие конкретных и действенных мер по обеспечению собственной безопасности воинских частей и военных городков является одной из важнейших повседневных задач и обязанностей каждого военнослужащего.

Меры, принимаемые руководством Министерства обороны и Объединенного штаба Вооруженных Сил Республики Узбекистан с целью дальнейшего повышения организации службы внутреннего наряда и караулов, положи-

тельно отражаются на выучке заступающего в наряд личного состава в каждом гарнизоне. В частях и подразделениях накоплен значительный опыт несения службы на должном уровне, что положительно отражается на действиях личного состава.

Благодаря четкому несению службы военнослужащими суточного наряда, все попытки проникнуть на охраняемые объекты посторонних лиц своевременно пресекаются, нарушители задерживаются и передаются в соответствующие правоохранительные органы.

Примечательно, что среди отличившихся при несении службы немало военнослужащих срочной службы. За последние месяцы приказами начальника Объединенного штаба были поощрены вожатый караульных собак рядовой Р. Нурмонов, стрелки рядовые Г. Эшқулов, А. Бафоев, А. Хакимов и многие другие.

Как всегда на высоте при несении службы были и военнослужащие по контракту. Среди поощренных старшими начальниками рядовые по контракту стрелок-санитар Д. Хасанов и снайпер А. Назаров, младшие сержанты командир секции Б. Бахронов и командир расчета Л. Каримов.

Велика роль должностных лиц, отвечающих за обучение военнослужащих, организацию несения служб, подготовку лиц, назначенных в суточный наряд. Четкая организация действий хорошо обученного ими личного состава не один раз помогала произвести задержание лиц, нарушающих порядок и требования безопасности службы.

За бдительность и проявленную инициативу Почетной грамотой начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил Республики Узбекистан награждены капитан М. Утепов, старший лейтенант А. Абдулганиев, лейтенант Р. Аскаров.

Вручение отличившимся военнослужащим Почетных грамот в торжественной обстановке способствовало возрастанию интереса командиров и начальников к нарабатываемому опыту лучших подразделений. Его изучение и распространение в частях и подразделениях способствует своевременному выявлению лиц, проявляющих повышенный интерес к военным объектам.

Владимир КАЛОШИН.
Фото А. АЧИЛОВА.

ҚИШКИ

Биатлон

ХЛАДНОКРОВИЕ И ТОЧНЫЙ РАСЧЕТ

Очень красивыми и зрелищными были состязания по биатлону, в которых с хорошим перевесом победили курсанты из ЧВТКИУ.

Пробежав по размеченной трассе, спортсмены вышли на огневой рубеж стрельбы из положения лежа. Первым начал стрельбу курсант ЧВТКИУ Азим Тураев. Пять выстрелов, и все точно ложатся в цель. Биатлонист продолжает дистанцию, а его преследователь из СВВАКИУ совершил промахи и победил на штрафные круги.

Самым невезучим на первом этапе эстафеты биатлонистов стал курсант Умид Бойжонов из Специального факультета ТУИТ, он пробежал четыре штрафных круга.

На втором этапе младший сержант Юлдаш Хаитов из СВВАКИУ не смог наверстать отставание, допущенное товарищем по команде, а даже увеличил его за счет новых промахов.

За третье место развернулась упорная борьба между ДВВАУ и ТВОКУ. На последнем этапе представитель ДВВАУ пришел на стадион первым, но допустил два промаха, тогда как нагнавший его курсант из ТВОКУ не сделал ни одного промаха, обогнав соперника на финише.

Таким образом, в пединках биатлонистов первая тройка лидеров такова: ЧВТКИУ, СВВАКИУ, ТВОКУ. Вот состав чемпионской четверки хозяев: курсанты Азим Тураев, Марат Баширов, Кувонч Бердыханов и Улутбек Хаитматов.

Комбинацияланган эстафета

«ТАНКЧИЛАР» — МАҲОРАТДА ТЕНГСИЗ

Курсантлар ўртасидаги комбинацияланган эстафета баҳслари ҳам ниҳоятда шиддатли ва қизиқарли ўтди.

Курсантлар Қишки олимпиадасининг илк беллашуви бўлган бу мусобақада жамоалар ғолиблик учун астойдил курашдилар. Табиийки, пухта ҳозирлик, маҳорат ва ўзаро яқдилликка эга бўлган жамоаларгина мақсадларига эришишди.

Беллашувга старт берилган сонияларданоқ биринчиликка интилдик, — дейди Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсанти Камолиддин Мавлонқулов. — Бу ўз натижасини берди. Машқларни устозларимиз ўргатганидек тезкор, аниқ, хатосиз бажаришга ҳаракат қилдик. Жамоадoshiларим — Феруз Саидов, Азим Тўраев, Муҳаммадсолиҳ Дўстқулов, Юрий Новичков, Феруз Баҳромовлар билан бир-биримизни яхши тушунганимиз ва кучимизга ишончимиз галаба омили бўлди, деб ўйлайман.

Комбинацияланган эстафетада ҳар бир жамоадан тўрттадан иштирокчи қатнашди. Курсантлар югуриш, жанговар қуролни қисмларга ажратиш ва йиғиш, ярадорни манзилга элтиш, оммавий қирғин қуролларидан ҳимоя воситасида югуриш каби шартлар бўйича беллашдилар.

Барча шартларни тез ва аниқ бажаришга муваффақ бўлган Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг «Танкчи» жамоаси ўринини қўлга киритди. Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсантлари иккинчи, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти жамоаси эса учинчи бўлишди.

Вождение автомобиля

ОЖИДАЕМЫЙ РЕЗУЛЬТАТ

В этом виде фаворитами считались курсанты СВВАКИУ. Они оправдали ожидания. Хотя и соперники из остальных команд тоже показали высокий уровень владения автомобильной техникой.

Курсанту Назиру Усманову удалось уже в ходе выполнения заданий по устранению неисправности, замене колеса, сделать нужный задел. И потом, при подаче автомобиля под погрузку, преодолении участка «зараженной» местности, буксировке автомобиля на жесткой сцепке, на полосе препятствий им было показано не только лучшее время прохождения, но и продемонстрированы высокая техника и умелое управление автомобилем.

Представителям СВВАКИУ удалось развить успех, хотя курсанты из ЧВТКИУ и ТВОКУ сумели составить им сильную конкуренцию.

В итоге после всех видов этого состязания тройка сильнейших выглядела следующим образом: СВВАКИУ, ЧВТКИУ, ТВОКУ.

В связи с тем, что компетентное жюри из Главного управления вооружения Министерства обороны тщательно подсчитывало итоги этого конкурса, участникам пришлось немного поволноваться в ожидании результатов. Но уже на другой день имена сильнейших автомобилистов были объявлены.

Волейбол

«ОМАД» БИРИНЧИ БЎЛДИ

Мудофаа вазирлиги қарашли олий ҳарбий билим юртлари курсантларининг Қишки олимпиада ўйинларидан волейбол мусобақаси ҳам ўрин эгаллаган эди. Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти спорт залида бўлиб ўтган мазкур беллашув барчада яхши таассурот қолдирди.

Қўрага кўра, биринчи бўлиб майдонга Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг «Омад» ҳамда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг «Танкчи» жамоалари тушдилар. Маҳорат бўйича ўз устунлигини кўрсата олган самарқандликлар ҳар иккала партияни ўз фойдасига ҳал қилиб, дастлабки уч очкога эга бўлдилар. Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртининг «Фазогир» ва Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Мудофаа вазирлиги махсус факультетининг «Лочин» жамоалари ўртасидаги ўйин ҳам худди шу ҳисобда жаззаҳликлар галабаси билан якуни топди.

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг «Сардор» жамоаси «Омад»га ўйинини бой берган бўлса (0:2), «Фазогир» мезбон жамоа — «Танкчи»дан мағлуб (1:2) бўлди. Мусобақанинг қолган босқичларида куйидаги натижалар қайд этилди:

«Омад» — «Лочин» 2:0
«Танкчи» — «Сардор» 2:0
«Фазогир» — «Омад» 0:2
«Лочин» — «Танкчи» 0:2
«Сардор» — «Фазогир» 2:0
«Лочин» — «Сардор» 0:2

Барча ўйинларда юз фоизлик натижани қўлга киритган «Омад» (12 очко) шоҳсупанинг юқорисидан жой эгаллаган бўлса, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти («Танкчи») жамоаси иккинчи (9 очко), Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти («Сардор») жамоаси эса учинчи (6 очко) ўринини қўлга киритди.

Волейбол мусобақаси баҳсларга бой тарзда кечди, — дейди «Омад» жамоасининг сардори Шухрат Очилов. — Барча рақибларимиз беллашувга муносиб тайёргарлик кўришган экан. Ғолиблик учун астойдил интилдик. Ўзаро ҳамжиҳатлигимиз туфайли мақсадимизга эришдик, деб ўйлайман.

Выживание

ТВОКУ ПОМОГЛА СМЕКАЛКА

Состязания на выживание в условиях незнакомой местности показали хорошую подготовку всех участников. Но представители ТВОКУ все же выглядели предпочтительнее соперников.

У ТВОКУ была очень мощная группа болельщиков: они были вооружены плакатами и флажками с символической команды «Сардор», карнаями и сурнаями. Все это задавало нужный эмоциональный настрой для успеха.

Уже на этапе установки палаток и добывания огня члены команды «Сардор» заметно вырвались вперед. Пока соперники еще возились с палатками, сардоровцы уже фильтровали воду для питья. Интересную западню для ловли крупного зверя построили курсанты команды «Лочин» СФ ТУИТ.

Команда ЧВТКИУ «Танкчи» умело с помощью аркана доставала необходимое из очерченного круга. Но здесь очень ловко отработали парни из ТВОКУ: они мастерски ухватили предмет на расстоянии с помощью петли. Проявили смекалку! Так же находчиво смастерили они и сидки для ловли птиц.

Кстати, и в стрельбе из лука по мишени «Сардор» был на высоте положения. Команда «Омад» СВВАКИУ начала это состязание неудачно, но все же сумела проявить настойчивость, заняв в итоге почетное третье место после команд ТВОКУ и ЧВТКИУ.

Одним словом, все будущие офицеры показали высокий уровень готовности к испытаниям на выживание в природных условиях. Они сумеют обеспечить себя местом для ночлега, пригодной для питья водой, добыть еду.

Ожидалось, что в этом состязании сильно выступят представители команды «Фазогир» (ДВВАУ). Но этого так не произошло.

Мерганлик

МЎЛЖАЛГА ҚАДАЛГАН НИГОҲЛАР

Курсантлар ўртасида ўтказилаётган Қишки олимпиада мусобақаларининг мерганлик беллашувлари ҳам ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлди. Унда билим юртларининг беш нафар мерганларидан иборат жамоалари автоматдан мўлжалга ўқ отиш бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Мерганлик мусобақалари ўтказилаётган билим юртининг ўт очини тайёргарлиги шаҳарчаси талаб даражасида. Ҳар бир жамоа учун биттадан отиш нуқтаси белгилаб қўйилган. Белгилашган масофада нишонлар кўзга ташланади. Ҳар бир отиш нуқтасига йўриқчилар бириктирилган ва улар мерганларнинг отиш малакасини, хатти-ҳаракатларини кузатишади.

Дастлаб бўлажак офицерларнинг назарий билим ва кўникмалари имтиҳондан ўтказилди. Унда ҳар бир курсантнинг қурол-аслаҳадан фойдаланиш ва хавфсизлик қондаларини билиши текширилди.

Курсантлар тегинли буйруққа биноан ўт очини позициясини эгаллаб, қулай жойлашиб олишга, тайёр эканлари ҳақида билдирув бердилар. Йўриқчилар томонидан ушбу билдирув тасдиқлангач, «отилиш» буйруғи янгради. Мерганлар мўлжалга олиб, отишни бошладилар.

Дастлабки босқич якунига етгач, мерганлар жанговар позициядаёқ қондаги биноан қуролларни кўриқдан ўтказишди. Мазкур тadbир якунилангач, уларга сафланиш учун буйруқ берилди. Посбонлар қонда бўйича ўз жойларини эгалладилар.

Шундан сўнг ҳар бир жамонинг биттадан вакили иштирокчида ҳакамлар ҳайъати аъзолари — офицерлар Абдуқаҳҳор Абдурахмонов, Нодиржон Валдиев ва Мансур Мадамниевлар натижаларини кўздан кечирди. Унга кўра, биринчи босқичда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти мергани энг кўп балл тўшлади.

Қолган босқичларда ҳам мерганлар ғолиблик учун кураш олиб боришди. Аммо галаба ҳар томонлама моҳир, ўз касбининг устаси ва билимдонига насиб этди. Яъни бу борада Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсантлари барчадан ўзиб кетиб, умумжамоа ҳисобида мерганлик мусобақалари ғолибига айланмишди. Энг кўп балл — 100 тадан 97 натижа тўшлаган мерган ҳам ушбу билим юртининг III босқич курсанти Йўлдош Ҳайитов бўлди.

Мерганлик мусобақаси якунига кўра, мезбонлар — Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти жамоаси иккинчи, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти жамоаси эса учинчи ўринини қўлга киритишди.

— Галабанинг сирри машқда, интилишда, — дейди курсант Й. Ҳайитов. — Қолаверса, устоз офицерларимиз, командирларимиз берган сабоқлар роса қўл келди.



ОЛИМПИАДА

Спорт ориентери

БИЛИМДОНЛИК ВА ЧАҚҚОНЛИК

Курсантлар Қишки олимпиадасининг «спорт ориентери» деб номланган мусобақалари ҳам ўзига хос профессионал тайёргарликка эга бўлишни талаб этиши билан ажралиб турди. Ушбу мусобақада бўлажак офицерларнинг мураккаб дала шарт-шароитларида мўлжални тўғри аниқлашлари, яъни топография илмини пухта ўрганганлиги, белгиланган нуқталарни харитадан тезда аниқлаб, кейин эса ўша ҳудуддан тезлик билан топиши ва маълум вақт оралиғида қайдлар варақасига шартли белгини тушириб келиши синовдан ўтказилди.

Мусобақада ҳар бир билим юртидан уч нафардан курсант иштирок этди. Шартлар яна бир бор тушунтирилгач, дастлабки босқич бошланди. Ҳар жамоадан бир нафар иштирокчи ҳакамлар қаршисига сафланди. Уларга биттадан ўқув харитаси ва шартли белгини қайд қилиб келиш учун варақа берилди.

Курсантлар вазифани адо этишга киришишди. Зеҳн, билимдонлик ва чаққонлик баҳслари бошланди. Белгиланган нуқталарни аниқлаш учун посбондан жой акс этирилган харитага қараб мўлжал олиш, бунда харита ва шартли белгиларни яхши билиш ҳамда тезкорлик талаб этилади.

Албатта, ушбу мусобақада иштирок этаётган посболарни бу борада старлича билим ва кўникмага эга, деб бемалол айта оламиз. Чунки турли шароитларда хизмат вазифасини аъло даражада бажариш, қўл остидагиларга етакчилик қилиш учун бўлажак офицерларнинг топография илмини чуқур ўрганиб бораётганига шубҳа йўқ.

Шу тариқа мусобақалар қизғин тус олди. Жамоалар ғолиблик учун астойдил интилдилар. Беллашувда мезбонлар – Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти жамоасининг қўли баланд келди. Курсантлар И. Ҳамдамов, Х. Мавлонқулов ва Ф. Бахроновлар спорт ориентери мусобақаларида ўз жамоалари шаънини ишончли ҳимоя қилишди.

Билимдонлар беллашуви

ЗАКОВАТ МАЙДОНИДИР БУ...

Қишки олимпиададан «Билимдонлар беллашуви» ўрин эгаллаганлиги интеллектуал жиҳатдан юксак салоҳиятли офицер кадрларни тайёрлашдек эзгу мақсадларимизга уйғундир.

Мазкур беллашувга «Заковат» интеллектуал телеклуби аъзоси Ғанишер Раҳматуллаев бошловчилик қилди.

Баҳс икки босқичдан иборат бўлиб, ҳар бири ўн икки саволдан таркиб топган. Тарих, адабиёт, физика, астрономия, география, математика, кимё фанлари ва ҳарбий соҳага оид маълумотларни қамраб олган саволлар барча жамоаларга ўқиб эшиттирилди, иштирокчилар эса белгиланган вақт ичида унга жавоб топишга ҳаракат қилишди.

Биринчи ва иккинчи босқичлар бўйича энг кўп балл тўплай олган ва ўзларининг ҳар томонлама билимни, салоҳиятли эканликларини исботлаган Тошкент олий умумқўшни кўмондонлик билим юртининг «Сардор» жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди.

– Билимдонлар баҳсида муносиб қатнашиб, устозларимиз ишончини оқлаганимиздан хурсандман, – дейди «Сардор» жамоаси сардори 4-курс курсанти Дийр Тўхтаев. – Гарчи қисқа вақт ичида баҳсларга тайёргарлик кўрган бўлсак-да, меҳнатларимиз зое кетмади. Бунинг

учун бизга керакли барча шароит ва имкониятларни яратиб берган билим юртимиз раҳбариятига, маслаҳат ва ёрдамларини аямаган устоз офицерларга, шунингдек, «Билимдонлар беллашуви»га тайёрланишимизга раҳбарлик қилган офицер Латифжон Ортиқовга миннатдорчилик билдирамыз. Қўлга киритган ғалабамизда уларнинг ҳиссаси жуда катта.

Бир хил натижани қайд этган Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юрти ва Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти жамоаларининг сардорлари – Бердибек Очиллов ҳамда Рустам Раҳматуллинлар мусобақа низомига кўра иккинчи ва учинчи ўринлар учун баҳсни давом эттиришди. Бу босқичда омад Жиззахнинг «Фазогир» жамоасига кулиб боқди. Шундай қилиб, Жиззахликлар иккинчи, самарқандликлар учинчи ўринга сазовор бўлишди. Тўртинчи ўрин мезбонларга насиб этган бўлса, сўнгги ўринни Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Мудофаа вазирлигининг Махсус факультети курсантлари банд этишди.

Балли йигитлар

ОФАРИН, СИЗГА, КУРСАНТЛАР

Курсантлар ўртасидаги Қишки олимпиада ўйинларига «Балли йигитлар» беллашуви яқун ясаб берди. Офицерлар уйида бўлиб ўтган мусобақада иштирокчилар кўшиқчилик, актёрлик, муқаллидлик, ижодкорлик, зукколик бобида нималарга қодир эканликларини намойиш этдилар.

Курсантларнинг чиқишларини Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбек миллий академик драма театри актёри Саидкомил Умаров бошчилигидаги эл суйган санъаткорлар ва мутахассислардан ташкил топган ҳакамлар ҳайъати баҳолаб боришди.

Беллашувда иштирокчилар ўзларининг маданиятга, санъатга қизиқиши қанча эканлигини, ҳарбий касб вакиллари орасида ҳам истеъдодли, қобилиятли ёшлар кўпчилигини ташкил этишнинг амалда намоян қилдилар.

– Бугунги беллашув менга катта таассурот қолдирди, – дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоси, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши бўлим бошлиғи Жамшид Хидиров. – Жамоалар гарчи бир хил шартлар асосида истеъдодларини намоян этишган бўлса-да, уларнинг чиқишлари бир-бирини такрорламастиги, ўзига хос ёндашув билан ажралиб турди. Энг қизиқарлиси, иштирокчилар ҳар бир шартга ҳарбийлар ҳаёти, ўзларининг кундалик турмушларида учраб турадиган воқеалардан келиб чиқиб ёндашгани.

Жамоалар томонидан тайёрланган сахна безаклари, кўргазмалар воситалар, ёрликлар, ҳарбийлар ҳаётидаги қизиқарли, кулгилли лавҳаларни ўзида акс эттирган видеороликлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Бунинг ҳар бири намойишдан сўнг янграган гулдурас қарасаклардан ҳам бириш мумкин эди.

Беллашувда мезбонлар – Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти жамоаси ғолиб чиқди. Иккинчи ўринни Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Мудофаа вазирлигининг махсус факультети, учинчи ўринни эса Тошкент олий умумқўшни кўмондонлик билим юрти жамоалари эгаллашди.

– Қишки олимпиаданинг «Балли йигитлар» беллашувида ғолиб бўлганимиздан жуда хурсандман, – дейди «Танкчи» жамоаси сардори Жўрабек Қосимов. – Рақиблар ҳам жиддий тайёргарлик кўришганини намойиш этишган сахна кўринишларидан билса бўлади. Шунга қарамай, астойдил ҳаракат қилдик ва кичик фарқ билан бўлса-да, ғолибликни қўлга киритдик. Аслида муҳими бу ҳам эмас. Мазкур мусо-

бақа орқали жуда кўп дўстлар орттирдик, бошқа олий ҳарбий билим юртларидаги ҳаёт тарзи, ўқитиш услублари, уларда таҳсил олаётган тенгдошларимизнинг дунёқараши, билими тўғрисида маълумотга эга бўлдик. Ўйлайманки, келгуси олимпиадаларда шу дўстларимиз билан яна юз кўришамиз.

Дарҳақиқат, мазкур олимпиадани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ҳам курсантларнинг юксак маънавий, ахлоқий-руҳий ва жанговар маҳоратини шакллантириш, улар ўртасида ўзаро соғлом мусобақадорлик муҳитини қарор топтиришдан иборатдир.

ҚАЛБЛАРГА ЎТ ЁҚҚАН ОЛИМПИАДА

Мана, Мудофаа вазирлигига қарашли олий ҳарбий билим юртлари курсантлари ўртасида ташкил этилган қишки олимпиада мусобақалари ҳам поёнига етди. Илк бор ўтказилган мазкур мусобақалар кўпчиликнинг хотирасига бир умрга муҳрланди, десак янглишмаймиз.

Мазкур беллашувларда бўлажак офицерлар эгаллаган билим ҳамда кўникмаларини, маҳоратларини амалда синовдан ўтказдилар. Олий ҳарбий билим юртларидан келган курсантлар ўртасида мусобақадорлик, ўзаро тажрибалар билан ўртоқлашув, аскарлик биродарлик, ишонч, ҳамжиҳатлик каби муҳим сифатлар мустаҳкам шаклланди.

Мусобақаларнинг тантанали ёпилиш маросимида сўзга чиққанлар бунинг алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Т. Ҳамроқулов беллашувларда муваффақиятли қатнашиб, юқори ўринларни қўлга киритган, билими, иродаси, салоҳияти билан барчага ўрнак бўлган жамоаларни махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирлади.

Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош кўмондон Ислам Каримов Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган Мурожаатида олий ҳарбий таълим муассасаларида таълим-тарбия ишларини янада такомиллаштириш, чуқурлаштириш, етук салоҳиятли кадрларни тайёрлаш устувор вазифа эканига тўхталиб, жумладан, шундай деган эди:

«...Олий ҳарбий таълим муассасаларининг интеллектуал салоҳияти юксак, дунёқараши кенг, узққин кўра оладиган офицер кадрларни тайёрлаш борасидаги фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш талаб этилади. Ҳарбий билим юртлари курол-яроғ ва техниканинг замонавий тизимлари ҳамда қўшинларни бошқариш ва жанговар операциялар олиб боришнинг самарали усуллариини ўзлаштириш ва синовдан ўтказиш бўйича амалда Қуролли Кучларнинг етакчи ҳарбий-илмий марказларига айланиши даркор...»

Олимпиадада иштирок этган жамоалар томонидан қўлга киритилган натижалар, курсантларнинг тайёргарлик даражаси, маҳоратини кўриб, бу эзгу мақсад қайсидир маънода амалга оширишга гувоҳ бўлдик. Кечагина қизғин баҳслар, шиддатли беллашувлар, мurosасиз курашларга сабаб бўлган қишки олимпиада бугун тарих саҳифаларидан ўрин эгаллади. Муҳими, улар айнан шу олимпиада орқали дўстлар орттирдилар, заковатли ва истеъдодли, ўз касбининг усталари бўлган, Ватанининг профессионал ҳимоячиси бўлишни кўнглига туккан тенгдошлари билан танишилди, улар билан ўзаро фикр алмашилди.

Тақдирланиш маросимига ташриф буюрган, кўзларида мамнуният, сўзларида қатъият ва эртанги кунга ишонч сезилиб турган курсантлар билан суҳбатлашгач, улардаги ҳаяжон менга ҳам ўтди.

– Бу мусобақа менга жуда манзур бўлди, – дейди Тошкент олий умумқўшни кўмондонлик билим юрти 2-курс курсанти Ёркин Юсупов. – Жамоамга нафим текканидан, унинг шарафини ҳимоя қилишга муносиб ҳисса қўшиганимдан хурсандман. Бу олимпиада орқали билим юртида ўрганган билимларимиз, кўникмаларимиз, устоз офицерлардан олган сабоқларимизни амалда синаб кўрдик. Натижаларимиз ёмон бўлмади. Умид қиламанки, келгуси беллашувларда бундан-да яхши натижаларни қўлга киритамиз.

– Қишки олимпиадада гарчи юқори натижаларни қўлга киритмаган бўлсак-да, ўйлайманки, ютқазганимиз йўқ, – дейди Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти курсанти Музаффар Маматов. – Негаки, мусобақалар давомида бугунининг офицери асл профессионал бўлишда нималарга эътибор қаратиши лозимлигини янада тереан англадик, кўплаб сабоқлар олдик.



